

Судьянинг онгида - адолат, тилида - ҳақиқат,
дилида - поклик бўлиши шарт.

Шавкат МИРЗИЁЕВ

8/2020

ISSN 2181-8991

ОДИЛ СУДЛОВ

Ҳуқуқий, илмий-амалий нашр

Муассис:
Ўзбекистон Республикаси
Олий суди

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Козимджан КАМИЛОВ
Робахон МАХМУДОВА
Икрам МУСЛИМОВ
Холмўмин ЁДГОРОВ
Бахтиёр ИСАКОВ
Мирзоулугбек АБДУСАЛОМОВ
Ибрагим АЛИМОВ
Олим ХАЛМИРЗАЕВ
Акмал МУРОДОВ
Шахноза АХАТОВА
Омонбой ОҚЮЛОВ
Азиз МИРЗАЕВ
Музаффаржон МАМАСИДДИҚОВ

© Реклама нашри ва тижорий йўл билан босилган матнлар.

Тахририят фикри муаллиф фикридан ўзгача бўлиши мумкин.

Кўлёмалар, суратлар тақриз қилинмайди ва қайтарилмайди.

Кўчириб босилганда «Одил судлов» – «Правосудие» нашри кўрсатилиши шарт.

Журнал Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2013 йил 30 декабрдаги 201/3-сонли қарори билан докторлик диссертациялари бўйича илмий мақолалар чоп этиладиган нашрлар рўйхатига киритилган.

2017 йил 29 ноябрда Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 0026-рақам билан рўйхатга олинган. 1996 йилдан чиқа бошлаган.

Бош муҳаррир
Камол УБАЙДИЛЛОЕВ

Масъул котиб
Муталиф СОДИҚОВ

Журнал 2015 йилда «Жамият ва мен» республика танловида «Энг яхши ёритилган ҳуқуқий мавзулар» йўналиши бўйича голиб деб топилган.

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:
100097, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани,
Чўпонота кўчаси, 6-уй
Х/р 20210000300101763001
ХАБ «Трастбанк» Тошкент филиали
МФО 00850, СТИР 201403038

ТЕЛЕФОН: 278-96-54, 278-91-96,
278-25-96, **ФАКС:** 273-96-60

Email: odilsudlov.oliy@sud.uz
Веб-сайт: www: odilsudlov.sud.uz

Босишга 2020 йил 21 августда руҳсат этилди. Қоғоз бичими 60X84 1/8. 10 босма табоқ. Офсет усулида чоп этилди. Журнал тахририят компютерида терилди ва саҳифаланди. Буюртма – 41.
Нашр адади 4590 нусха.

Навбатчи муҳаррир
Муталиф СОДИҚОВ

ИНДЕКС:
якка тартибдаги обуначилар
учун – 908;
ташкilotлар учун – 909.

Сотувда келишилган нархда

«SILVER STAR PRINT» МЧЖ
босмаҳонасида чоп этилди.
Босмаҳона манзили: 100 139,
Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, 22-даҳа, 17-уй

ҚОНУНЧИЛИК ВА РАСМИЙ ҲУЖЖАТЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва одил судлов самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони.....3

ОЛИЙ СУД ПЛЕНУМИ ҚАРОРЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Жисмоний ва юридик шахслар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини суд орқали ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қарори.....7

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми ва Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қарори.....10

СУД-ҲУҚУҚ ИСЛОҲОТЛАРИ

Ш. Ҳамроев. Қонун устуворлиги ва адолат барқарорлигини таъминлаш йўлида яна бир тарихий қадам.....14

МУНОСАБАТ

С. Давлетмуратов. Хавф остида қолдириш жинояти субъектив томонининг аҳамияти.....21

МУЛОҲАЗА

М. Мағрубов. Замонавий учувчисиз қурилмалардан фойдаланишнинг афзалликлари....26

ЖИНОЯТ-ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚИ ВА ЖАРАЁН

М. Нодиров. Суриштирув ва дастлабки терговда вояга етмаган гумон қилинувчи ва айбланувчиларнинг ҳуқуқлари муҳофазаси.....29

ДИҚҚАТ, ЯНГИЛИК

Ғ. Машкуров, А. Тожибоев. Стартаплар фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш асослари....33

ФАОЛИЯТ

Б. Эгамбердиев. Ички ишлар органларида ички миграцияни таъминлаш амалиёти.....39

СУДЛАР ФАОЛИЯТИДАН

К. Халмухамедов. Таълим муассасаси қарздорми?.....42

ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛ

М. Болтаев. Банкротлик: хорижий амалиёт ва миллий тажриба.....46

ЮРИСТ КАРТОТЕКАСИ/КАРТотека ЮРИСТА.....79



*Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ*

СУДЛАР ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА ОДИЛ СУДЛОВ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Сўнги йилларда мамлакатимизда суд-хуқуқ тизимини янада такомиллаштириш, фуқаро ва тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш чораларини кучайтириш, одил судловни самарали таъминлаш ҳамда судьялар ҳамжамияти родини ошириш бўйича изчил ишлар олиб борилмоқда.

Амалга оширилган ишлар натижасида одил судлов жараёнида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш даражаси янги босқичга чиқди.

Хусусан, ноҳақ айбланган 2,3 мингга яқин киши оқланди, адашиб жиноят йўлига кириб қолгани сабабли озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилиниши мумкин бўлган 3,5 мингдан ортиқ ёшлар ва хотин-қизларга маҳалла ва жамоатчилик кафилликлари асосида енгилроқ жазолар тайинланиб, ўз оилалари бағрида қолдирилди, инсон ҳуқуқларини қўпол тарзда бузган 60 нафар ҳуқуқ-тартибот органи ходимлари жиноий жавобгарликка тортилди.

Шу билан бирга, суд ҳимоясини таъминлашдаги ортиқча бюрократик тўсиқлар сақланиб қолаётганлиги, суд қарорларини қайта кўришнинг бир-бирини такрорловчи босқичлари мавжудлиги, инвесторлар ҳуқуқларининг суд ҳимоясида бўлиши етарли даражада ташкил этилмаганлиги ва бошқа бир қатор камчиликлар суд органларининг амалдаги тузилишини замон талаблари ва халқаро стандартларга мувофиқ қайта кўриб чиқишни тақозо этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида суд-хуқуқ соҳасида белгиланган вазифаларни изчил амалга ошириш, фуқароларнинг одил судловга эришиш даражасини юксалтириш, ишларни судда кўриш сифатини ошириш ҳамда ҳолис, адолатли ва қонуний суд қарорларини қабул қилиш учун тарафларнинг тенглиги ва тортишувчанлигини амалда таъминлаш механизмларини кенгайтириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий суди томонидан Судьялар олий кенгаши ва судьялар ҳамжамияти билан биргаликда қонунчилик ташаббуси асосида **суд тизимида** 2021 йил 1 январдан бошлаб **қуйидаги ташкилий-тузилмавий ўзгаришларни амалга оширишни** назарда тутувчи қонун лойиҳаси ишлаб чиқилганлиги маълумот учун қабул қилинсин:

вилоят ва унга тенглаштирилган фуқаролик ишлари бўйича, жиноят ишлари бўйича судлар ва иқтисодий судлар негизида судьяларнинг қатъий ихтисослашувини сақлаб қолган ва суд ишларини юритиш турлари бўйича алоҳида судлов ҳайъатларини ташкил этган ҳолда **Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар умумюрисдикция судларини ташкил этиш;**

маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ваколатини маъмурий судлардан жиноят ишлари бўйича судларга ўтказиш;

маъмурий ва бошқа оммавий ҳуқуқий

Ушбу Фармон «Халқ сўзи» газетасида 2020 йил 25 июлда эълон қилинган.

муносабатлардан келиб чиқадиган ишларни кўришга ихтисослаштирилган Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар марказлари ва Тошкент шаҳрида туманлараро маъмурий судларини ташкил этиш, шу муносабат билан туман (шаҳар) маъмурий судларини тугатиш. Бунда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маъмурий судлари сақлаб қолиниши;

Амударё, Нуробод, Бойсун ва Пастдарғом туманлари иқтисодий судларини тугатиш;

фуқаролик ишлари бўйича Янгийўл туманлараро судини, фуқаролик ишлари бўйича Ургут, Сўх, Хатирчи, Пахтакор туманлари судларини, Пастдарғом туманлараро иқтисодий судини, жиноят ишлари бўйича Бўзатов, Тахиятош, Бандихон, Тупроққалъа туманлари судларини ташкил этиш;

Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий малака ҳайъатининг ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари судьялари малака ҳайъатларининг қарорлари устидан Судьялар олий кенгашига шикоят қилиш ҳуқуқини бериш.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Судьялар олий кенгаши билан биргаликда икки ой муддатда мазкур бандда назарда тутилган масалалар юзасидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига тегишли қонун лойиҳасини киритсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Судьялар олий кенгаши, Бош прокуратураси ва Адвокатлар палатасининг 2021 йил 1 январдан бошлаб қуйидагиларни жорий этишни назарда тутувчи таклифлари маъқуллансин:

а) **суд ишларини назорат тартибида кўриш институтини тугатиш**, Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси, Бош прокурори ва улар ўринбосарларининг суднинг ҳал қилув қарорлари, ҳукмлари, ажримлари ҳамда қарорлари устидан назорат тартибида протест киритиш ҳуқуқини бекор қилиш;

б) жиноят ишларини судда кўриш учун тайинлаш босқичида иш юзасидан қарорларни тортишув тамойилига риоя этган ҳолда тарафлар иштирокида қабул қилиш тартибини белгилаш, жиноят ишининг умумий тар-

тибда кўриб чиқилишига тўсқинлик қилувчи омилларни тезкорлик билан аниқлаш ва бартараф этиш имконини берувчи дастлабки эшитув босқичини киритиш;

в) қуйидаги тартибларни жорий этиш:

туманлараро, туман (шаҳар) судларининг қарорларини вилоят ва унга тенглаштирилган судлар томонидан, вилоят ва унга тенглаштирилган судларнинг биринчи инстанция суди сифатида чиқарган қарорларини эса Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судлов ҳайъатлари томонидан апелляция тартибида қайта кўриб чиқиш;

апелляция тартибида кўриб чиқилган суд қарорларини Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судлов ҳайъатлари томонидан кассация тартибида қайта кўриб чиқиш;

Ўзбекистон Республикаси Олий суди судлов ҳайъатлари томонидан кассация тартибида кўриб чиқилган ишлар бўйича чиқарилган суд қарорларини Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси, Бош прокурори ва улар ўринбосарлари протестига кўра кассация тартибида такроран кўриб чиқиш;

давлат айбловчиси айбловдан воз кечган тақдирда реабилитация асосларига кўра жиноят ишини тугатиш;

прокурор томонидан суднинг қонуний кучга кирган ҳукми, ҳал қилув қарори, ажрими ёки қарори бўйича ишларни, ушбу ишлар юзасидан тарафлар мурожаати мавжуд бўлган ҳолдагина, суддан чақириб олиб ўрганиш;

қонунда назарда тутилган ҳоллардан ташқари судларда бошқа шахсларнинг ташаббуси билан кўзғатилган фуқаролик ва иқтисодий ишларнинг кўрилишида прокурор ўз ташаббуси билан иштирок этишини истисно этиш.

3. Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳамда Савдо-саноат палатасининг Олий суд тузилмасида **инвестициявий низоларни ҳамда рақобатга оид ишларни кўриш бўйича судлов таркибини** (кейинги ўринларда – Судлов таркиби)

тузиш ҳақидаги таклифи маъқуллансин.

Судлов таркибига инвестиция киритилган санада йигирма миллион АҚШ доллари эквивалентидан кам бўлмаган миқдорда инвестицияни амалга оширган жисмоний ёки юридик шахслар (кейинги ўринларда – йирик инвесторлар) ва давлат органлари ўртасида юзага келадиган инвестициявий низолар ҳамда рақобатга оид ишларни кўриш ваколати берилсин.

Белгилансинки:

инвестициявий низолар бўйича йирик инвесторларнинг, рақобатга оид ишлар бўйича тарафларнинг хоҳишига кўра, ушбу тоифадаги ишлар бевосита Судлов таркиби томонидан биринчи инстанция суди сифатида кўрилиши;

қолган инвестициявий низолар инвесторларнинг хоҳишига кўра, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар суди томонидан биринчи инстанция суди сифатида кўрилиши мумкин.

4. Ўзбекистон Республикаси Олий суди, вилоят ва унга тенглаштирилган судлар тузилмасида **қуйидаги таркибий тузилма (лавозим)лар киритилишига** розилик берилсин:

а) Ўзбекистон Республикаси Олий суди тузилмасида:

Олий суд бошқармалари фаолиятини ташкиллаштириш ва мувофиқлаштириш вазифаси юклатилган, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумига ҳисобдор бўлган, Олий суд раисининг тақдимномасига асосан Олий суд Пленуми томонидан лавозимига тайинланадиган ҳамда лавозимидан озод этиладиган Ўзбекистон Республикаси Олий суди аппарати раҳбари лавозими;

Суд-ҳуқуқ соҳасидаги қонунчиликни таҳлил қилиш бошқармаси;

Жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик бошқармаси;

б) вилоят ва унга тенглаштирилган судлар тузилмасида матбуот хизматлари.

5. Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши, Олий суди ва Молия вазирлигининг Судьялар олий мактаби Суд амалиёти муаммоларини ўрганиш марказини тугатиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

Белгилансинки, Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактабининг Суд амалиёти муаммоларини ўрганиш марказини тугатиш ҳисобидан бўшаётган 9 та штат бирликлари Олий суд тузилмасида ташкил этилаётган Суд-ҳуқуқ соҳасидаги қонунчиликни таҳлил қилиш бошқармасини шакллантиришга йўналтирилади.

6. Ўзбекистон Республикаси Олий суди аппарати раҳбари, бошқарма бошлиқларига нисбатан Олий суд судьялари учун белгиланган, Олий суднинг бошқарув ходимлари таркибига киритилган бошқа ходимларига нисбатан эса, вилоят судлари судьялари учун белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш ва моддий рағбатлантириш шартлари татбиқ этилсин.

Бунда, қайд этилган шартлар фақат муқаддам судьялик лавозимида ишлаган шахсларга нисбатан қўлланилиши, ушбу шахсларнинг шу лавозимларда ишлаган вақти судьялик стажига қўшилиши ва пенсия тайинлашда ҳисобга олинishi инobatга олинсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 2020 йил 1 декабрга қадар Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Судьялар олий кенгаши, Олий суди, қуйи суд тизими судьялари, Судьялар олий мактаби ва уларнинг аппарати ходимлари, Олий суд ҳузуридаги Судлар фаолиятини таъминлаш департаменти ва унинг ҳудудий бўлимлари ходимлари иш ҳақлари ва қўшимча тўловларини тўлиқлигича Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштиришга ўтказилишини ҳамда иш ҳақлари миқдорларини оширилишини назарда тутувчи таклифларни киритсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Молия вазирлиги билан биргаликда пенсия тайинланган ва судья сифатида ўз фаолиятини давом эттираётган шахсларнинг пенсиялари янги белгиланадиган судьялар меҳнатига ҳақ тўлаш шартларини инobatга олган ҳолда қайта ҳисоб-китоб қилинишини таъминласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Олий суд билан биргаликда икки ой муддатда:

судларнинг фаолиятида ахборот-ком-

муникация технологияларидан фойдаланишни янада кенгайтириш дастури бўйича таклифларни Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритсин;

2021 – 2025 йилларда судларнинг бинолари ва хоналарини қуриш ҳамда реконструкция қилиш дастурини тасдиқласин.

9. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг тузилмаси 1-иловага мувофиқ;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар умумюрисдикция судларининг намунавий тузилмаси 2-иловага мувофиқ;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маъмурий судларининг намунавий тузилмаси 3-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг ва ҳарбий судлари тизимининг ташкилий-штат тузилмалари 4-5-иловаларга мувофиқ;

туманлараро, туман (шаҳар) судларининг намунавий тузилмалари 6 – 9-иловаларга мувофиқ;

фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман (шаҳар) судларининг тузилмаси ва туманлараро, туман (шаҳар) иқтисодий судларининг юрисдикция ҳудудлари 10-11-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

10. Белгилансинки, янгидан ташкил этилаётган судлар ва бўлинмаларни тўлдириш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий суд аппарати тузилмасига қўшимча бошқарув ходимлари штатларини киритиш судлар тизимини оптималлаштириш натижасида бўшайдиган штат бирликлари ҳисобидан амалга оширилади.

11. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Судьялар олий кенгаши билан биргаликда 2020 йил 1 ноябрга қадар қуйидагиларни назарда тутган ҳолда янги таҳрирдаги «Судлар тўғрисида»ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқсин ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига кўриб чиқиш учун киритсин:

судларнинг тузилиши, туман (шаҳар), туманлараро, вилоятлар ва уларга тенглаштирилган судларнинг, Ўзбекистон Республика-

си Олий судининг, Ўзбекистон Республикаси Олий суди судлов ҳайъатларининг, Раёсатининг, Пленумининг ваколатлари доираси;

судьялик лавозимига номзодлар ва судьяларга нисбатан қўйиладиган талаблар;

судьялар, суд раислари ва раис ўринбосарларини тайинлаш (сайлаш) тартиби;

судьяларнинг мақоми, уларнинг мустақиллиги кафолатларини кучайтириш;

судьяларга нисбатан интизомий иш фақат судьяларнинг тегишли малака ҳайъатлари томонидан қўзғатилишини назарда тутган ҳолда, судьяларнинг интизомий жавобгарлиги, интизомий ишни қўзғатиш ва кўриб чиқиш тартиби;

судьялар ваколатларини тўхтатиб туриш, шунингдек, тугатиш асослари ва тартиби;

судьяларнинг моддий таъминоти ва уларни ижтимоий ҳимоя қилиш чоралари.

12. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари икки ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Олий суди билан биргаликда янгидан ташкил этилаётган судларнинг жойлаштирилишини таъминласин.

13. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Судьялар олий кенгаши, Бош прокуратураси ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида таклифлар киритсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим фармонларига 12-иловага мувофиқ қўшимча ва ўзгартиришлар киритилсин.

15. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш. Низомиддинов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти
Ш. МИРЗИЁЕВ**

*Тошкент шаҳри,
2020 йил 24 июль*



Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг
ҚАРОРИ

**ЖИСМОНИЙ ВА ЮРИДИК ШАХСЛАР
ҲУҚУҚЛАРИ ВА ҚОНУНИЙ МАНФААТЛАРИНИ
СУД ОРҚАЛИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА**

2020 йил 3 июль

11-сонли

Тошкент шаҳри

Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларида мустақамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиз бўлиб, ҳеч ким улардан судсиз маҳрум этишга ёки уларни чеклашга ҳақли эмас. Жисмоний ва юридик шахслар ҳуқуқ, эркинликлари ва қонуний манфаатларини суд орқали ҳимоя қилиш муҳим давлат ҳимояси институти бўлиб, у мустақил суд ҳокимияти томонидан одил судловни амалга ошириш орқали таъминланади.

Жисмоний ва юридик шахслар ҳуқуқ, эркинликлари ва қонуний манфаатларини суд орқали ҳимоя қилиш самарадорлигини таъминлаш мақсадида, «Судлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 17-моддасига асосланиб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И :

1. Тушунтирилсинки, суд орқали ҳимоя қилиш деганда, судларнинг жисмоний ва юридик шахсларнинг бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонун билан қўриқладиган манфаатларини тиклашга қаратилган, процессуал қонунларда белгиланган тартибда амалга ошириладиган фаолияти тушунилади.

Суд орқали ҳимоя қилиш ҳуқуқини биринчи инстанция судида иш қўзғатиш учун

қонунда назарда тутилган шартларга риоя этган ҳолда амалга ошириш мумкин. Ушбу шартларга риоя этмаслик суд томонидан мурожаатларни қабул қилиш ва қўришни рад этиш учун асос бўлади.

2. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал, Иқтисодий процессуал, Жиноят-процессуал кодекслари, Маъмурий суд ишларини юритиш ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларига (бундан буён матнда процессуал қонунлар деб юритилади) мувофиқ, судга мурожаат қилиш:

фуқаролик, маъмурий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низолар бўйича – даъво аризаси, ариза (шикоят) шаклида;

буйруқ тартибида иш юритиш бўйича, алоҳида тартибда юритиладиган ишлар, алоҳида тоифадаги ишлар ва процессуал қонунларда назарда тутилган бошқа ҳолларда – ариза шаклида;

апелляция, кассация ва назорат инстанцияси судларига мурожаат этилганда – шикоят шаклида амалга оширилади.

3. Жисмоний ва юридик шахсларнинг процессуал қонунларга кўра, судлар ваколатига кирмайдиган масалалар бўйича судга мурожаатлари «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида белгиланган тартибда кўриб чиқилади. Мазкур Қонун 25-моддасининг иккинчи

қисмига мувофиқ, бошқа давлат органлари, ташкилотлар ёки уларнинг мансабдор шахсларига тааллуқли мурожаатлар судга келиб тушганда, улар беш кунлик муддатдан кечиктирмай тегишли органларга юборилади ва бу ҳақда мурожаат этувчига ёзма ёки электрон шаклда хабар берилади.

Шу билан бирга судларнинг эътибори мурожаатлар асосиз равишда бошқа давлат органларига кўриб чиқиш учун юборишга йўл қўйилмаслигига қаратилсин.

4. Судга мурожаатлар шакл ва мазмун жиҳатдан процессуал қонунлар билан уларга қўйилган талабларга мос бўлиши керак. Мурожаатлар судга электрон ҳужжат шаклида ҳам юборилиши мумкин.

Мурожаатда, жумладан, jisмоний шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми, яшаш жойи ҳақидаги маълумотлар ёки юридик шахснинг номи ва жойлашган жойи ҳақидаги маълумотлар, берилган мурожаат бўйича ҳуқуқий муносабатнинг моҳияти, мурожаат ва қўйилаётган талаб ёки илтимосноманинг моҳияти, мурожаат санаси кўрсатилиши лозим. Мурожаатда мурожаат этувчининг имзоси (рақамли имзоси) бўлиши ҳам мажбурий талаб ҳисобланади.

5. Шунинг назарда тутиш лозимки, процесс иштирокчилари ҳуқуқларини суд орқали ҳимоя қилиш уларга қонунда берилган суд ҳужжатлари устидан шикоят қилиш ҳуқуқи билан ҳам таъминланади.

Фуқаролик процессуал, иқтисодий процессуал қонунлари ва маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги қонунга мувофиқ, суд ҳужжатининг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини текшириш ҳақида ишда иштирок этувчи шахслар – тарафлар, учинчи шахслар, уларнинг вакиллари, шунингдек, ишда иштирок этишга жалб қилинмаган, аммо ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳақидаги масала суд томонидан ҳал этилган бошқа шахслар мурожаат қилишга ҳақли.

Иқтисодий процессуал қонуни ва маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисида-

ги қонунга кўра, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакилга кассация ва назорат шикояти билан мурожаат қилиш ҳуқуқи берилган (тадбиркорлик субъектлари ўртасида юзага келадиган иқтисодий низолар, шунингдек, тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган низолар бундан мустасно).

Жиноят-процессуал қонунида суд ҳукми ва ажрими устидан шикоят қилиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар доираси аниқ кўрсатилган. Жумладан, суднинг ҳукми, ажрими устидан маҳжум, унинг ҳимоячиси, қонуний вакили, шунингдек, жабрланувчи, унинг вакили, ҳукмнинг фуқаровий даъвога оид қисми устидан – фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ва уларнинг вакиллари, ҳукмнинг оқлаш сабаблари ва асосларига доир қисми устидан – судда оқланган шахс, унинг ҳимоячиси ва қонуний вакили шикоят беришга ҳақлидир. Ишда тараф бўлмаган шахслар ҳам суд ҳукмининг ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор қисми устидан шикоят бериш ҳуқуқига эга.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонунга асосан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш бўйича суд қарори устидан, ўзига нисбатан суд қарори чиқарилган шахс, жабрланувчи, уларнинг қонуний вакиллари, адвокат, шунингдек, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузган орган шикоят бериш ҳуқуқига эга.

6. Судлар шунинг назарда тутиши лозимки, фуқаролик, иқтисодий ва маъмурий суд ишларини юритишда иштирок этувчи тарафлар вакиллари ва адвокатлари суд қарори устидан шикоят қилиш ҳуқуқига, фақат бундай ваколатлар ваколат берувчи томонидан белгиланган тартибда берилган ишончномада махсус кўрсатилган ҳоллардагина эгадирлар.

7. Қонунга кўра, назорат инстанцияси судига мурожаат қилишда шикоятга иш

бўйича қабул қилинган суд ҳужжатлари нусхалари, қонунда белгиланган ҳолларда эса, давлат божи ва почта харажатлари тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар илова қилиниши лозим. Тушунтирилсинки, ушбу шартларнинг бажарилмаслиги ва мурожаат қилувчи шахс процессуал ҳолатини аниқлаш имкониятининг мавжуд эмаслиги мурожаатни кўрмасдан қайтариш учун асос бўлади.

8. Судларнинг эътибори мурожаатларни кўриб чиқиш муддатларига ва мурожаат бўйича қабул қилинадиган қарорлар мурожаат матни баён этилган тилда баён этилиши шартлиги ҳақидаги қонун талабларига сўзсиз риоя этилиши кераклигига қаратилсин.

9. Тушунтирилсинки, ишни биринчи инстанция судида кўришда раислик қилган судья мурожаатларни ўз вақтида рўйхатга олиш, ишларни расмийлаштириш ва апелляция, кассация инстанциясига юбориш муддатларига риоя этилиши ва процесс иштирокчиларини ишни апелляция, кассация инстанцияси судида кўриш вақти ва жойи ҳақида хабардор қилиш учун шахсан масъулдир. Бунда эътибор шунга қаратилсинки, ишни иқтисодий ва маъмурий судларнинг апелляция, кассация инстанциясида кўришда процесс иштирокчиларини ишни кўриш вақти ва жойи ҳақида хабардор қилиш масъулияти ушбу инстанцияларда маърузачи бўлган судьяга юкланади.

10. Агар мурожаатда муайян ишни кўришда суд (судья) томонидан процессуал қонун нормалари бузилганлиги ҳақидаги важлар келтирилган бўлса ва шикоятни кўриш жараёнида ушбу важлар ўз тасдиғини топса, апелляция, кассация, назорат инстанцияси судлари ишни кўриш натижаси бўйича хусусий ажрим чиқариши ва унинг нусхаси тегишли судьялар малака ҳайъатига юборилиши лозим.

11. Суд ҳужжатлари ижроси лозим даражада ижро этилмаётганлиги масалалари бўйича юқори турувчи судларга келиб

тушган мурожаатлар «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талабларига асосан Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюросининг тегишли ҳудудий бошқармасига юборилади, бу ҳақда назоратни амалга ошириш учун қарор қабул қилган ёки қарор ижро этилаётган жойдаги судга хабар берилади.

12. Судларнинг эътибори жисмоний шахслар ва юридик шахслар вакилларини қабул қилиш жадвалига мувофиқ белгиланган кун ва соатларда қабул қилишни тўғри ташкил этиш, сайёр қабуллар ўтказиш вақти ва жойи тўғрисида аҳолини ўз вақтида хабардор қилиш зарурлигига, шунингдек, қабул қилиш кунининг асоссиз равишда кўчирилишига йўл қўйилмаслигига қаратилсин.

13. Суд орқали ҳимоя қилиш жисмоний ва юридик шахсларнинг нафақат бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқлари ёхуд қонун билан қўриқланадиган манфаатларини тиклаш воситаси, балки судлар фаолиятидаги камчиликларни аниқлаш ва бартараф этиш воситаси ҳам эканлиги сабабли, судларга жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини мунтазам равишда таҳлил қилиб бориш тавсия этилсин.

14. Мазкур қарор қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Фуқароларнинг суд ишларига доир мурожаатларини кўриб чиқиш амалиёти ҳақида» 1998 йил 28 декабрдаги 31-сонли қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

Ўзбекистон Республикаси
Олий суди раиси
К. КАМИЛОВ

Пленум котиби в.б.,
Олий суд судьяси
Р. ИСМАЙЛОВ

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг
ҚАРОРИ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИ
ПЛЕНУМИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ХЎЖАЛИК СУДИ ПЛЕНУМИНИНГ АЙРИМ
ҚАРОРЛАРИГА ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР
КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА**

2020 йил 3 июль

12-сонли

Тошкент шаҳри

Қонунчиликка ўзгартириш ва қўшимчалар киритилганлиги, шунингдек, суд амалиётида масалалар келиб чиққанлиги муносабати билан, «Судлар тўғрисида»ги Қонуннинг 17-моддасига асосан, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И :

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми ва Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг қуйидаги қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми ва Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг «Кредит шартномаларидан келиб чиқадиган мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш тўғрисидаги фуқаролик қонун ҳужжатларини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида» 2006 йил 22 декабрдаги 13/150-сонли қарори қуйидаги мазмундаги 30.1-банд билан тўлдирилсин:

«30.1. Кредиторнинг кафил - «Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси»га (бундан буён матнда Жамғарма деб юритилади) нисбатан даввосини кўришда Ўзбекистон Респуб-

ликаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 16 январдаги 28-сонли қарори билан тасдиқланган «Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси тўғрисида»ги Низом талабларига эътибор қаратилиши лозим.

Бунда судлар инobatга олиши керакки, агар Жамғарма билан кафиллик шартномаси кредит шартномаси бўйича мажбуриятлар бажарилишининг таъминоти сифатида тузилган бўлса, Жамғармага талаб билдирилгунга қадар кредитор қарздордан қарзни ундиришга қаратилган бошқа, шу жумладан, кредит қайтарилиши мажбуриятининг таъминотига қаратилган барча чораларини кўриши зарур ва фақат қарздорнинг (бошқа кафилнинг) мажбуриятни бажариш учун мол-мулки етарли бўлмаганда, шунингдек, қарзни гаровга қаратилган мол-мулкдан ундириш мумкин бўлмагандагина, кредитор Жамғармага талаб билдириш ҳуқуқига эга, агар кафиллик шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса.

Қарздорнинг (бошқа кафилнинг) мол-мулки мажбуриятни бажариш учун етарли эмаслиги, шунингдек, қарзни гаровга қаратилган мол-мулкдан ундириш имконияти мавжуд эмаслиги, давлат ижро-

чисининг ижро ҳужжатини «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 40-моддаси биринчи қисмининг 3-бандига асосан, ундирувчига қайтариш тўғрисидаги қарори билан тасдиқланади. Ушбу қоидаларга амал қилинмаганлиги Жамғармага нисбатан берилган даъвони қаноатлантиришни рад этиш учун асос бўлади».

2. «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга оид ишлар бўйича суд амалиётининг айрим масалалари тўғрисида» 2011 йил 11 февралдаги 1-сонли қарори:

2-банди қуйидаги мазмундаги **учинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«Жиноий фаолиятдан олинган даромадлар деганда, жиноят содир этиш натижасида олинган пул маблағлари ва бошқа мол-мулк, шунингдек, бундай мол-мулкдан фойдаланиш орқали олинган ҳар қандай фойда ёки наф, худди шунингдек тўлиқ ёки қисман бошқа мол-мулкка айлантирилган ёхуд ўзгартирилган ёки қонуний манбалар ҳисобидан олинган мол-мулкка кўшилган пул маблағлари ва бошқа мол-мулк тушунилади»;

3-бандининг биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«ЖК 243-моддаси мазмунига кўра, даромадларни легаллаштириш деганда, айбдор томонидан жиноий фаолият натижасида орттирилган пул маблағлари ёки бошқа мол-мулкни ўтказиш, алмаштириш, мулкка айлантириш йўли билан уларнинг келиб чиқишига қонуний тус берилиши, худди шунингдек бундай пул маблағлари ёки мол-мулкнинг асл хусусиятини, манбаини, турган жойини, тасарруф этиш, кўчириш усулини, пул маблағлари ёки бошқа мол-мулкка бўлган ҳақиқий эгаллик ҳуқуқларини ёки унинг кимга қарашлили-

гини яшириш ёхуд сир саклаш тушунилиши лозим. Мулк объекти сифатида бундай ҳолларда Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 169-моддасида назарда тутилган ҳар қандай мулк, шу жумладан, виртуал активлар (криптовалюта ва х.к.) бўлиши мумкин».

3. «Божхона тўғрисидаги қонунчиликни бузиш ва контрабандага оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида» 2013 йил 6 сентябрдаги 18-сонли қарори:

16-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«16. Шахснинг валютани қонунга ҳилоф равишда бојхона чегарасида ўтказишда айбдорлиги масаласини ҳал этишда судлар шуни назарда тутиши лозимки, Ўзбекистон Республикасига эркин олиб кириладиган ва олиб чиқиб кетиладиган нақд хорижий ва миллий валюта миқдори қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикасининг «Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги Қонуни;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасининг нақд миллий валютасини олиб кириш ва олиб чиқишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2004 йил 25 февралдаги 86-сонли қарори;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 30 январдаги 66-сонли қарори билан тасдиқланган Жисмоний шахслар томонидан нақд хорижий валютани Ўзбекистон Республикасининг бојхона чегараси орқали олиб кириш ва олиб чиқиб кетиш қоидалари билан белгиланган.

Шахс томонидан Ўзбекистон Республикасига бир вақтнинг ўзида олиб кириладиган ёки олиб чиқиб кетиладиган нақд валютанинг фақат бир қисми декларация қилинган бўлса, шахснинг ҳаракатлари

нақд валютанинг декларация қилинмаган қисми миқдоридан келиб чиққан ҳолда квалификация қилинади»;

17-бандининг биринчи хатбошиси «гиёҳвандлик воситалари» деган сўзлардан кейин «уларнинг аналоглари» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

4. «Судлар томонидан вояга етмаган ва вояга етган меҳнатга лаёқатсиз болалар таъминоти учун алимент ундиришга оид ишлар бўйича қонунчиликни қўллаш амалиёти тўғрисида» 2016 йил 29 июлдаги 11-сонли қарори:

2-банди қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

«Қонунга мувофиқ, вояга етмаган, шунингдек, вояга етган меҳнатга лаёқатсиз, ёрдамга муҳтож болалар таъминоти учун алимент тарафларнинг келишувига кўра ихтиёрий тартибда, шунингдек, суд тартибда ундирилади.

Тушунтирилсинки, алимент ота-онанинг бирининг аризаси ёки даъвоси билан, агар бошқа ота (она) вояга етмаган болаларига таъминот бериш мажбуриятини бажармаган ҳолатларда суд тартибда (суд буйруғи ёки суднинг ҳал қилув қарори билан) ундирилади.

Вояга етмаган болаларга алимент тўлаш ҳақида ота-она ўртасида келишув бўлмаганда, шунингдек, алимент ихтиёрий равишда тўланмаганда ва ота-онадан бирортаси ҳам алимент ундириш тўғрисидаги талаб билан судга мурожаат қилмаган ҳолларда, вояга етмаган болаларига таъминот бериш мажбуриятини ихтиёрий равишда бажармаган ота (она)дан алимент ундириш ҳақидаги даъво билан вояга етмаган ўн тўрт ёшга тўлган бола мурожаат қилишга ҳақли. Вояга етмаган болаларига таъминот бериш мажбуриятини ихтиёрий равишда бажармаган ота (она) ва бола алоҳида яшаган ҳолларда, вояга етмаган ўн тўрт ёшга тўлган бола ота ёки онасига

ёхуд ота-онасининг ҳар икковига нисбатан даъво тақдим қилиш ҳуқуқига эга.

Ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган вояга етмаган болалар таъминоти учун алимент васийлик ва ҳомийлик органлари, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган етим болалар ва болалар учун муассасалар, шунингдек, прокурор даъвосига кўра, суднинг ҳал қилув қарорига асосан ундирилади.

Вояга етган меҳнатга лаёқатсиз, ёрдамга муҳтож болалар таъминоти учун алимент ота-онанинг бирининг даъвоси билан суднинг ҳал қилув қарорига асосан ундирилади»;

6-банди:

биринчи хатбошидаги «Солиқ кодексининг 329-моддаси 3-бандига мувофиқ» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикасининг «Давлат божи» тўғрисида»ги Қонуни 8-моддаси 2-банди, шунингдек, ФПК 174-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошидаги «чиқаришда» деган сўзи «беришда» деган сўзи, «Ўзбекистон Республикасида ўрнатилган ўртача ойлик иш ҳақи миқдоридан келиб чиқиб» деган сўзлар «қонун ҳужжатларида ўрнатилган меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдоридан келиб чиқиб» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

7-банди чиқариб ташлансин;

14-бандининг биринчи, иккинчи ва учинчи хатбошиларидаги «қонун ҳужжатлари билан белгиланган энг кам ойлик иш ҳақида» деган сўзлар «қонун ҳужжатларида ўрнатилган меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

5. «Жиноят натижасида етказилган мулкий зиённи қоплашга оид қонунчиликни қўллаш бўйича суд амалиёти тўғрисида» 2016 йил 27 декабрдаги

26-сонли қарори **10-бандининг иккинчи хатбошиси** қуйидаги мазмундаги **жумла** билан тўлдирилсин:

«Бунда валюта қимматликлари қиймати Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан ҳукм чиқарилган кунда белгиланган курс бўйича аниқланади».

6. «Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишга оид жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида» 2017 йил 28 апрелдаги 12-сонли қарори:

номи «Гиёҳвандлик воситалари» деган сўзлардан кейин «уларнинг аналоглари» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

матни «гиёҳвандлик воситалари» деган сўзлардан кейин тегишли келишикдаги «уларнинг аналоглари» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

4-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«4. Қонунга кўра, маъмурий ва жиноий жавобгарлик Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 12 ноябрдаги 330-сонли қарори билан тасдиқланган қуйидаги рўйхатларга киритилган гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари, психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилганда келиб чиқади:

Ўзбекистон Республикасида муомалада бўлиши тақиқланган гиёҳвандлик воситаларининг рўйхати (I рўйхат);

Ўзбекистон Республикасида муомалада бўлиши чекланган гиёҳвандлик воситаларининг рўйхати (II рўйхат);

Ўзбекистон Республикасида муомалада бўлиши чекланган психотроп моддаларнинг рўйхати (III рўйхат);

Ўзбекистон Республикасида муомалада бўлиши чекланган прекурсорларнинг рўйхати (IV рўйхат).

Бунда шунини назарда тутиш лозимки,

гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари, психотроп моддалар ўтказиш мақсадини кўзламай оз миқдорда қонунга хилоф равишда тайёрлаш, олиш, сақлаш, ташиш ёки жўнатиш учун айбдорлар барча ҳолларда маъмурий жавобгарликка тортиладилар (Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 56-моддаси). Агар мазкур ҳаракатлар ўтказиш мақсадини кўзлаб содир этилса, қилмиш ЖК 273-моддасининг биринчи қисми билан квалификация қилинади»;

31-бандининг иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Бундай турдаги экспертиза олдига ҳал этиш учун қуйидаги саволларни қўйиш мақсадга мувофиқ:

олинган восита ёки модда гиёҳвандлик, унинг аналоглари, психотроп ҳисобланадими, агар ҳисобланса, унинг тури, актив моддасининг миқдори ва соф оғирлиги қанча;

олинган объектда гиёҳвандлик воситаси, унинг аналоглари, психотроп моддаси қолдиқлари (микрозарралари) ёки излари борми;

муайян ер майдонидан олинган ўсимлик қайси турга мансуб ва у таркибида гиёҳвандлик моддаси бўлган ўсимлик ҳисобланадими;

олинган воситалар ёки моддалар бир хил ҳисобланадими, улар тайёрлаш усули (технологияси), сақлаш шароити, фойдаланилган бошланғич хом ашёси, кўқариб турган жойи бўйича келиб чиқиши жиҳатидан умумий манбага эгами».

Ўзбекистон Республикаси
Олий суди раиси
К. КАМИЛОВ

Пленум котиби в.б.,
Олий суд судьяси
Р. ИСМАЙЛОВ



ҚОНУН УСТУВОРЛИГИ ВА АДОЛАТ БАРҚАРОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ЙЎЛИДА ЯНА БИР ТАРИХИЙ ҚАДАМ

Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси К. КОМИЛОВ билан суҳбат



– *Хурматли Козимжон Фозилович, мамлакатимизда қонун устуворлиги ва адолат барқарорлигини таъминлаш, фуқароларнинг Конституция ва қонунларда белгилаб қўйилган ҳуқуқлари,*

эркинликларини таъминлаш, қонуний манфаатларини кафолатли ҳимоя қилишга қаратилган тарихий ислоҳотлар қатъият билан амалга оширилаётганига ҳар биримиз гувоҳ бўлиб турибмиз. Бу жараёнларда, айниқса, суд ҳокимиятининг мустақиллигини амалда таъминлаш, одил судлов сифати ва самарадорлигини ошириш, судларнинг очиқлиги ва шаффофлигига эришиш мақсадида муҳим чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Куни кеча Президентимиз томонидан қабул қилинган янги Фармон бу борада яна бир тарихий қадам бўлди.

– Ҳақиқатан ҳам шундай. Дунёнинг тараққий этган давлатлари тажрибасига назар ташласак, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари, қонуний манфаатларини ҳимоя қилишдек энг масъулиятли вазифа судлар

зиммасига юклатилганини кўрамиз. Шунинг учун ҳам судларнинг мустақил, холис ва адолатли фаолият юритишига алоҳида эътибор қаратилади. Мамлакатимизда ҳам мухтарам Президентимизнинг бевосита ташаббуси ва раҳбарлигида судларнинг мустақиллиги ва холислигини таъминлашга қаратилган ислоҳотлар изчиллик билан амалга оширилмоқда.

Ўтган қисқа даврда судларнинг ҳақиқий мустақиллигини таъминлаш, суд кадрларини танлашнинг демократик ва шаффоф механизмини шакллантириш бўйича тизимли ишлар жорий этилди. Ягона суд амалиётини таъминлаш мақсадида Олий суд ва Олий ҳўжалик суди фуқаролик, жиноий, маъмурий ва иқтисодий суд иш юритуви соҳасида суд ҳокимиятининг ягона олий органи – Ўзбекистон Республикаси Олий судига бирлаштирилди. Юргимизда биринчи марта вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳри, туман ва шаҳарларда маъмурий судлар ташкил этилди.

Шунингдек, туманлараро, туман иқтисодий судлари фаолияти йўлга қўйилди.

Суд ҳокимиятининг мустақиллиги принципига риоя қилиш, судларни моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш масалаларини мустақил ҳал этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳузурида Судлар фаолиятини таъминлаш департаменти ташкил этилди.

Яна бир муҳим янгилик – Ўзбекистон

Республикаси Судьялар олий кенгаши таъсис этилди. Натижада судьяларни танлаш ва лавозимларга тайинлашда ноқонуний аралашувларнинг олдини олиш, бу борада очиқ, ошкора ва муқобил танлов тизимини яратиш имкониятлари кенгайди.

Дунёнинг тараққий этган давлатлари илғор тажрибасини чуқур ўрганиш асосида мамлакатимизда судья лавозимига муддатсиз тайинлаш амалиёти жорий қилинди.

Юқорида қайд этилган ўзгаришлар амалга жорий этилаётган пайтда мамлакатимизда вазият анча оғир эди.

Ўша кезларда вилоятларда ўтказилган қабуллар ҳаёт жойларда мутлақо бошқача эканлигини, фуқаролар адолатга чанқоқлигини, жамиятга адолатсизлик, ноҳақлик каби иллатлар анча сингиб кетганини кўрсатди.

Яширишнинг ҳожати йўқ, ўша пайтда судлар жамиятдан узилиб қолган, одамларнинг судьяга нисбатан ишончи йўқолган эди.

Президентимиз ана шундай вазиятни ҳисобга олиб, судлар олдида одамларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатли ҳимоя қилиб, уларнинг ишончини қозониш, жамиятда қонун устуворлиги ва адолатни таъминлаш вазифасини қатъий қўйди.

Суд тизимида тарихий ислохотларни қатъият билан амалга оширишга киришилди. Аввало, барча учун судларнинг эшиги очилди, судлар фаолиятининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш йўлида муҳим чоралар кўрилди, жойларда сайёр қабуллар ўтказиш мунтазам йўлга қўйилди, суд раислари ва уларнинг ўринбосарлари иштирокида брифинглар ўтказиш қатъий қоидага айланди. Айниқса, оммавий ахборот воситалари билан мустаҳкам ҳамкорлик ўрнатилди, илгари суд мажлисларига киритилмаган журналист, блогер ва кенг жамоатчиликнинг иштироки таъминланди. Ҳатто айнан оммавий ахборот воситаларининг судларга иштироки тартибини белгиловчи Олий суд Пленуми қарори қабул қилинди.

Шунингдек, бу жараёнда қонунчилик асосларини такомиллаштиришга алоҳи-

да эътибор қаратилди. Бир қатор кодекслар қисқа муддатда янги таҳрирда қабул қилинди.

Айниқса, Президентимизнинг 2017 йил 30 ноябрдаги «Суд-тергов фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ва далиллар мақбуллигига оид қонуннинг қабул қилиниши одамларнинг дардига малҳам бўлди. Бу шиддатли ислохотлар ўз натижасини бера бошлади, адолатсизлик ва ноҳақлик туфайли пароканда бўлган, ишончу умидини йўқотган кўплаб тақдирлар ва оилаларга катта ишончу илинж бағишлади.

Ислохотлар натижасида судлар томонидан 2 минг 273 фуқарога нисбатан оқлов ҳукми чиқарилди. Шунингдек, жиноят йўлига билиб-билмай кирган 3,5 мингдан ортиқ ёшлар ва хотин-қизларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш жазоси қўлланилмасдан, улар маҳалла ва жамоатчилик кафиллигига берилди. Инсон ҳуқуқларини кўпол равишда бузганлиги учун ҳуқуқ-тартибот идораларининг 60 нафар ходими жиноий жавобгарликка тортилди.

Бугун давр ўзгармоқда, ҳаётнинг ўзи жамият олдида янги талаб ва вазифаларни қўймоқда. Шунингдек, Ўзбекистоннинг нуфузи ва обрў-эътибори тобора ортиб, дунё ҳамжамятидан мустаҳкам ўрин эгаллаётгани ҳар бир соҳа каби судлар фаолиятини ҳам янада такомиллаштириш, дунё стандартларига уйғунлаштиришни тақозо этмоқда. Шу маънода, муҳтарам Президентимиз томонидан куни кеча имзоланган Фармон, ҳақиқатан ҳам, судлар фаолиятини такомиллаштиришда яна бир тарихий қадам бўлди, деб айтиш мумкин.

– Президент Фармонида бир қатор устувор вазифалар белгиланган. Хусусан, Фармон талабига кўра, 2021 йил 1 январдан вилоятлар миқёсидаги фуқаролик, жиноят ва иқтисодий судлар негизида судьяларнинг қатъий ихтисослашувини сақлаб қолган ҳолда ягона умумюрисдикция судлари ташкил этилади. Айтингни, вилоят

судларининг амалдаги тузилмасига ўзгартиш киритишига нималар сабаб бўлди?

– Албатта, Президентимиз Фармони билан вилоят судлари тузилмасига бундай ўзгартиш киритилаётганининг бевосита фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини кафолатли ҳимоя қилиш, уларнинг судга мурожаат этиш имкониятларини янада кучайтириш билан боғлиқ бир қатор сабаб ва асослари бор.

Аниқроқ айтадиган бўлсам, вилоят судларининг амалдаги тузилмаси бир қатор муаммоларни келтириб чиқармоқдаки, бу ўз навбатида, суднинг мустақиллиги, одил судлов сифати ва самарадорлигига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Хўш, бу муаммолар нималардан иборат?

Биринчидан, ҳар бир вилоятда жиноий, фуқаролик ва иқтисодий судларнинг алоҳида-алоҳида фаолият юритиши, бир-биридан мустақил иш кўриши фуқаролар ва тадбиркорларнинг у суддан бу судга қатнайвериш, сарсон-саргардон бўлишига сабаб бўлмоқда. Бу, ўз навбатида, жойларда турли хил норозиликларни келтириб чиқармоқда.

Бу фикримнинг исботи тариқасида биргина 2019 йилнинг ўзида 58 мингдан ортиқ фуқаро ва тадбиркорлар судлардаги оворагарчиликларга нисбатан ўз эътирозини билдирганини айтиб ўтишим керак.

Иккинчидан, судларда ягона суд амалиётини шакллантиришга тўсқинлик қилмоқда. Масалан, муайян қонун нормаси судлар томонидан турли хил талқин этилмоқда. Бу, ўз навбатида, суд қарорлари сифатига таъсир қилмоқда. Охир-оқибат фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини белгиланган муддатларда таъминлаш таъминланди.

Учинчидан, ўрта бўғин умумий юрисдикция судларининг алоҳида фаолият юритиши халқаро стандартлар талабига ҳам жавоб бермайди.

Нега деганда, хорижий давлатларнинг бу борадаги тажрибасига эътибор қаратсак, Франция, Италия, Канада, Жанубий Корея,

Қозоғистон, Беларусь ва бошқа давлатларда ўрта бўғин умумюрисдикция судлари фуқаролик, жиноят ва иқтисодий ишлар бўйича ягона суд сифатида муваффақият билан фаолият юритиб келаётганини кўриш мумкин.

Шунингдек, Ўзбекистоннинг халқаро рейтинглардаги ўрнини, халқаро майдонда обрў-эътиборини янада ошириш ҳам суд тизими ва унинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришни тақозо этмоқда.

Қисқаси, Президент Фармонига кўра, жорий этиладиган судлар янги тузилмасида битта раис ва унинг жиноят, фуқаролик ҳамда иқтисодий ишлар бўйича қатъий ихтисослашган ўринбосарлари бўлади. Бу судларнинг бошқарув тизимини такомиллаштирати, фуқароларнинг муаммоси шу вилоятнинг ўзида ҳал бўлиши таъминланади.

Шунга ишончим комилки, Президентимиз Фармонида белгиланган бу вазифанинг ҳаётга тўлақонли жорий этилиши тез орада кутилган натижаларни беради.

– Фармонда илгор хорижий тажриба ва халқаро стандартларни инобатга олган ҳолда мамлакатимизда самарали маъмурий одил судлов тизимини яратишга ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Бунинг сабаблари нима билан изоҳланади?

– Президентимиз Фармонига кўра, 2021 йил 1 январдан туман (шаҳар) маъмурий судлари негизида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар марказлари ва Тошкент шаҳрида туманлараро маъмурий судлар ташкил этилади. Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ваколати жиноят ишлари бўйича судларга ўтказилади.

Бунда Олий суд маъмурий судлов ишларини юритиш бўйича олий инстанция ҳисобланади ва Олий суд таркибида раиснинг биринчи ўринбосари раҳбарлигидаги маъмурий ишлар бўйича ҳайъат фаолият юритади.

Маълумки, бутун дунёда маъмурий судлар суд тизимида ўта муҳим ўрин тутади. Чунки, маъмурий судлар фаолияти моҳият-эътибори билан давлат ҳокимияти

ва бошқаруви органлари, шу жумладан, маҳаллий ҳокимликларнинг фаолиятида қонунийликни таъминлаш, уларнинг ноқонуний қарорларини ҳақиқий эмас деб топиш орқали фуқаро ва тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ўз вақтида ҳамда самарали тиклашга қаратилган.

Мисол учун айтадиган бўлсам, мамлакатимизда маъмурий судлар томонидан 2019 йил ва 2020 йилнинг олти ойида 1909 та ҳоким қарорлари ҳақиқий эмас, деб топилган.

Демак, бундан кўринадики, ҳокимларнинг 2 мингга яқин ноқонуний қарорлари ҳақиқий эмас, деб топилиши орқали жойларда қонун устуворлиги ва адолат тикланган.

Маъмурий судлар томонидан амалга оширилаётган бундай ижобий ишларни яна кўплаб келтириш мумкин. Демак, бундан уч йил муқаддам шахсан Президентимиз ташаббуси билан юртимизда маъмурий судларнинг ташкил этилиши амалда ўзини тўлик оқлади.

Аммо, маъмурий судлар ҳам миллий ва илғор хорижий тажрибани инобатга олган ҳолда доимий такомиллаштириб боришни тақозо этади. Хусусан, бугунги кунда маъмурий судлар фаолиятида куйидаги муаммолар учрайди:

биринчидан, туман миқёсида маъмурий судлар мустақил фаолият юритишида турли хил қийинчиликларга дуч келмоқда;

иккинчидан, оммавий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ишларни кўришга ихтисослашган маъмурий судларга, табиатига кўра, бир-бирига зид бўлган маъмурий ҳуқуқбузарликларга оид ишларни кўриш ҳам юклатилган.

Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриш ваколатининг жинойт ишлари бўйича судларга олиб берилиши жуда тўғри ва адолатли бўлади. Чунки, жинойт ишлари бўйича судлар судьялари доимий равишда маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб келган бўлиб, шу туманда жинойтчиликнинг барвақт олдини олиш ва ҳақиқий ҳолатни тўғри баҳолай олади.

Кези келганда яна шуни айтиш керакки, БМТ ривожланиш дастури, Германия ривожланиш соҳасида ҳамкорлик ташкилоти (GIZ) ва Нагоя университети экспертлари томонидан Ўзбекистонда маъмурий ҳуқуқбузарликларга оид ишларнинг маъмурий судлардан жинойт ишлари бўйича судларга ўтказилиши ва маъмурий судларнинг мустақил суд сифатида сақлаб қолиниши тўғри қарор деб баҳоланган.

Қисқаси, юқорида қайд этилган муаммоларни самарали бартараф этиш, маъмурий судлар фаолиятини янада такомиллаштириш мақсадида Президентимиз Фармонига кўра, 2021 йил 1 январдан туман (шаҳар) маъмурий судлари мақбуллаштирилиб, уларнинг негизида вилоят марказларида 14 та туманлараро маъмурий судлар ташкил этилади.

– *Фармонга мувофиқ, суд тизимида 2021 йил 1 январдан бошлаб ортиқча суд босқичларини бекор қилиш орқали «бир суд – бир инстанция» тамойили жорий этилмоқда. Ушбу янги тамойил фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда қандай афзалликларга эга?*

– Сизнинг бу саволингизга жавобан шуни айтиш керакки, «бир суд – бир инстанция» тамойили халқаро тажрибада синалган, умумэътироф этилган дунёда энг мақбул суд тизими ҳисобланади. Бу тамойилга кўра, суд иш юритувига келиб тушган ҳар қандай иш уч босқичда якунига етади.

Шу ўринда ушбу тамойилни соддароқ тарзда тушунтирадиган бўлсам, биринчи босқич – (туманлараро, туман (шаҳар) судлари).

Иккинчи босқич – апелляция (вилоят судлари).

Учинчи босқич – кассация (Олий суд).

Юқорида кўрсатиб ўтилган ана шу уч босқичда ҳар қандай иш ўзининг қонуний ечимини топади. Бу янгиликнинг жорий этилиши натижасида халқаро ташкилотлар ва экспертларнинг эътирозига сабаб бўлаётган, эскилик сарқити бўлган, ўз номи

билан одил судловнинг мазмун-моҳиятига мутлақо тўғри келмайдиган назорат тартибида ишларни кўриш амалиётидан тўлиқ воз кечилади.

Шу ўринда Президентимизнинг судьяларнинг адолатли қарор қабул қилишига таъсир ўтказувчи барча омилларни, жумладан, Олий суд раиси, Бош прокурор ва улар ўринбосарларининг суд ҳужжатлари устидан назорат тартибида протест келтириш ҳуқуқини бекор қилиш тўғрисидаги таклифи ҳам жуда тўғри бўлганини таъкидлаб ўтмоқчиман.

Умуман айтганда, суд мустақиллигини амалда таъминлаш, одил судлов сифатини ошириш ҳақида гап кетганда, Фармонга кўра, прокурорнинг айрим ҳуқуқлари чекланмоқда. Эндиликда прокурор суднинг ҳукми, ҳал қилув қарори, ажрими ва қарори бўйича ишларни фақат ушбу ишлар юзасидан тарафлар мурожаат этган тақдирда, суддан чақириб олиб, ўрганиши мумкин бўлади. Бошқа ҳолларда прокурор ишларни чақириб олишга ҳақли эмас.

Шу билан бирга, прокурорнинг фуқаролик ва иқтисодий ишларни кўришдаги иштироки ҳам қатъий чегараланади. Агар бу ишлар бошқа шахсларнинг ташаббуси билан қўзғатилган бўлса, қонунда назарда тутилган истиснолардан ташқари, прокурор ўз ташаббуси билан бу ишларни кўришда қатнаша олмайди. Бошқача айтганда, фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг ўртасидаги низоларни ҳал этишда прокурорнинг иштироки истисно этилади.

Фармон билан жорий этилаётган яна бир янгилик шундан иборатки, жиноят ишини кўришда янги институт – дастлабки эшитув босқичининг киритилиши жиноят ишининг кўриб чиқилишига тўсқинлик қиладиган омилларни тез аниқлаш ва бартараф этишга хизмат қилади. Шунингдек, жиноят ишларини судда кўриш учун тайинлаш босқичида иш юзасидан қарорларни тортишув тамойили асосида тарафлар иштирокида қабул қилиш тартибининг белгиланиши ҳам одил судлов одамларнинг кўз ўнгида, очиқ-ошқо-

ра, шаффоф тарзда амалга оширилишига ва адолат қарор топишига хизмат қилади.

– *Козимжон Фозилович, Президент Фармонида Олий суд тузилмасида инвестициявий низоларни ва рақобатга оид ишларни кўриш бўйича алоҳида судлов таркиби тузиш белгиланган. Бу судлов таркибининг мақсад ва вазифалари нималардан иборат? Шу ҳақда ҳам тўхталиб ўтсангиз?*

– Мухтарам Президентимиз Фармонига кўра, мамлакатимизда шундай судлов таркиби тузиш белгилангани жуда катта янгилик ҳисобланади. Чунки, илгари бизда бундай судлов таркиби бўлмаган.

Албатта, бунинг ўзига хос бир қатор муҳим сабаблари бор. Аввало шуни айтиш керакки, мамлакатимизнинг инвестициявий жозибадорлигини янада ошириш, чет эллик ва маҳаллий инвесторларнинг инвестицияларини янада кўпроқ жалб этиш, инвесторларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини кафолатли ҳимоя қилиш, уларнинг ишончини мустаҳкамлаш мақсадида ана шундай махсус судлов таркиби фаолияти йўлга қўйилмоқда.

Шу муносабат билан Олий суд тизимида ихтисослаштирилган судлов таркиби ташкил этилади ва унинг зиммасига йирик инвесторларнинг (20 миллион доллардан кўп инвестиция киритган) ва давлат органлари ўртасидаги инвестициявий низоларни ҳамда рақобатга оид ишларни кўриш вазифаси юклатилади.

Бунда қуйидаги тартиб ўрнатилади:

– йирик инвесторлар, ўз хоҳишига кўра, бевосита Олий суд судлов таркибига ёки умумий тартибда вилоят судларига мурожаат қилиш ҳуқуқига эга бўлади. Бошқа инвесторлар эса, ўз хоҳишига кўра, бевосита Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судига ёки умумий тартибда туманлараро иқтисодий судларга мурожаат қилиши мумкин.

Инвестициявий низолар бўйича судлов таркибининг ташкил этилиши натижасида инвесторлар ўз низоларини ҳал қилиш учун

турли суд инстанциялари ўртасида 5-6 ойлаб сарсон бўлиб юришининг олди олинади ва уларнинг барча муаммолари битта суд доирасида ҳал қилиниши таъминланади.

Бундай кафолатли суд ҳимояси чет эллик инвесторларнинг ишончини мустаҳкамлаш орқали мамлакатимизнинг инвестициявий жозибадорлиги янада ошишини таъминлайди.

– **Фармонда судлар фаолиятига ахборот-коммуникация технологияларини янада кенг жорий этиш бўйича Дастур лойиҳаси ишлаб чиқиш вазифаси ҳам белгиланган. Шу ҳақда ҳам тўхталиб ўтсангиз?**

– Маълумки, судлар фаолиятида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш судларнинг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш, фуқароларнинг судларга мурожаат қилиш имкониятларини кенгайтиришда ўта муҳим ўрин тутаяди. Президентимизнинг 2017 йил 30 августда қабул қилинган 3250-сонли қарори айни шу мақсадга қаратилган эди.

Қарорда белгиланган вазифаларнинг амалий ижроси судлар фаолиятининг очиқлиги, шаффофлиги ва тезкорлигини таъминлаш, шунингдек, судларда иш юриши сифатини ва аҳолининг одил судловга эришиш даражасини оширишда сезиларли ижобий таъсир кўрсатди.

Аммо, бу борада ҳали ўз ечимини кутиб турган бир қатор муаммолар мавжуд. Шуларни инобатга олган ҳолда, бугунги кунда Фармон талабидан келиб чиқиб, судлар фаолиятига ахборот-коммуникация технологияларини янада кенгроқ жорий этиш бўйича махсус Дастур ишлаб чиқилмоқда.

Бунда қуйидаги асосий вазифалар белгиланмоқда:

биринчидан, жорий йил якунига қадар судлар фаолиятига «Адолат» ахборот тизимлари комплекси жорий этилади. Мазкур «Адолат» ахборот тизимлари комплекси қуйидаги имкониятларни яратаяди:

– давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти ор-

ганлари, хўжалик бошқаруви органлари, адвокатлик тузилмалари ҳамда адвокатлар учун судларга фақат электрон шаклда мурожаат қилиш;

– фуқаролар ва тадбиркорлик субъектлари учун жиноят ишлари бўйича ва маъмурий судларга ахборот тизими орқали электрон мурожаат қилиш;

– мурожаатлар ҳолатини онлайн тарзда кузатиб бориш;

- судлар томонидан тарафларга маълумотларни электрон шаклда юбориш;

- апелляция инстанцияси судларида ишларни автоматик равишда таксимлаш;

- суд ҳужжатларини ахборот тизимидан фойдаланган ҳолда автоматлаштирилган равишда шакллантириш.

Иккинчидан, жорий йил якунига қадар барча судларда суд мажлисларини аудиоёзвудан фойдаланган ҳолда мажбурий қайд этиб бориш ҳамда суд мажлислари баённомаларини ушбу тизимдан фойдаланган ҳолда юриши тартиби жорий этилади.

Учинчидан, суд мажлисларида видеоконференцалоқа режимида иштирок этиш имконини берувчи мобиль дастур ишлаб чиқилади ҳамда суд мажлисларида ушбу дастур орқали иштирок этиш имкони яратилади. Бунда иштирокчилар ўзлари хоҳлаган жойдан туриб, видеоконференцалоқа режимининг мобиль версиясидан фойдаланган ҳолда суд мажлисларида иштирок этиш имкониятига эга бўлади.

Тўртинчидан, судлар фаолиятида сунъий интеллектдан фойдаланиш тартиби жорий этилади.

Бешинчидан, 2021 йил 1 апрелга қадар Олий суд ахборот базасини 15 та вазирлик ва давлат идорасининг ахборот тизимларига интеграция қилиш орқали маълумотлар алмашинуви 100 фоиз рақамли шаклга ўтказилади.

Олтинчидан, видеоконференцалоқа режими орқали жазони ижро этиш муассаларида жойлашган шахсларни бевосита улар жойлашган жойдан туриб, суд маж-

лисларида, шунингдек, суд раҳбариятининг шахсий қабулларида иштирок этишини таъминлаш тизими яратилади.

Еттинчидан, Олий суднинг my.sud.uz интерактив хизматлар порталида «Суд хабарномаси» хизмати жорий қилинади. Бунда ишда иштирок этувчи шахслар учун суд хабарномаларини инсон омилисиз олиш имконияти яратилади.

Саккизинчидан, маъмурий судларда маъмурий ҳуқуқбузарликка оид ишларни электрон кўринишда шакллантириш. Бунда мазкур тоифадаги ишларни қоғоз кўринишидан воз кечилган ҳолда, фақат электрон шаклда кўриш амалиёти жорий этилади.

Тўққизинчидан, судларда иштирок этувчи шахсларга суд ҳужжатларини электрон шаклда, шунингдек, «SMS» хабар ҳамда электрон почта манзилига юбориш орқали уларни хабардор қилиш тизимини яратиш.

Ўнинчидан, ахборот тизимларини интеграция қилиш орқали озодликдан маҳрум этиш жазоси тайинлаш ҳақидаги суд ҳукмлари ва унинг ижросига доир маълумотларни электрон шаклда алмашиш, шунингдек, суд ҳукми билан озодликдан маҳрум этилган шахслар томонидан жазони ижро этиш муассасасининг ахборот тизими орқали судларга электрон шаклда мурожаат қилиш имкониятини яратиш.

– **Фармонда айрим туман судлари тугатилиб, айрим туманларда янги судлар ташкил қилиниши ҳам муҳим вазифалар қаторида белгиланган. Шу ҳақда ҳам тўхталиб ўтсангиз.**

– Бу борада ҳам суд тизими тузилмаси аҳолининг талаб ва эҳтиёжлари, шунингдек, судларнинг иш юкламаси инобатга олинган ҳолда такомиллаштирилмоқда. Хусусан, Фармонга кўра, тегишли туман (шаҳар) аҳолиси сонидан ва судларнинг ҳақиқий иш ҳажмидан келиб чиққан ҳолда 2021 йил 1 январдан Амударё, Нуробод, Пастдарғом ва Бойсун туман иқтисодий судлари тугатилиб, бу ҳудудлардаги иқтисодий низоларни кўриш вазифаси яқин ту-

манлардаги судлар зиммасига юклатилади.

Чунки, ушбу туманларнинг аҳолиси сони нисбатан кам ва иқтисодий судларнинг иш юкламаси ҳам унчалик юқори эмас. Масалан, Бойсун туман иқтисодий суди 2020 йилнинг ўтган 6 оyi давомида 21 та иш кўрган. Амударё, Нуробод туманлари иқтисодий судлари ҳақида ҳам шундай фикрни айтиш мумкин.

Шунингдек, аҳоли сони нисбатан кўп бўлган ҳамда кўшни туман судлари узоқ масофада жойлашган Янгийўл туман ва шаҳар (аҳоли сони 275 минг) ва Ургут (аҳоли сони 507 минг), Хатирчи (аҳоли сони 193 минг), Пахтакор (аҳоли сони 124 минг) туманларида фуқаролик ишлари бўйича судлар ва Пастдарғом туманлараро иқтисодий суди ташкил этилади.

Шунингдек, Сўх тумани анклав бўлгани, фуқароларга чегарадан ўтиб, Риштон туманидаги фуқаролик ишлари бўйича туманлараро судига мурожаат қилиши қийинчилик туғдираётгани инобатга олиниб, ушбу туманда фуқаролик ишлари бўйича янги суд ташкил этилмоқда.

Бундан ташқари, 2019-2020 йилларда янги ташкил этилган Бўзатов, Тахиатош, Бандихон ва Тупроққалъа туманларида ҳам жиноят ишлари бўйича судлар фаолияти йўлга қўйилиши назарда тутилган.

Умуман айтганда, Президентимизнинг ушбу тарихий Фармонида белгиланган муҳим вазифалар моҳият-эътибори билан кафолатли суд ҳимоясини таъминлаш борасидаги бюрократик тўсиқларни бартараф этишга, суд қарорларини қайта кўришнинг бир-бирини такрорловчи босқичларини бекор қилишга, инвесторлар ҳуқуқларининг ишончли суд ҳимоясида бўлишини таъминлашга, суд органларининг амалдаги тузилмасини замон талаблари ва халқаро стандартларга уйғунлаштиришга хизмат қилади.

**Сухбатни Ш. ҲАМРОЕВ
ёзиб олди**

ХАВФ ОСТИДА ҚОЛДИРИШ ЖИНОЯТИ СУБЪЕКТИВ ТОМОНИНИНГ АҲАМИЯТИ

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси (ЖК) 21-моддасининг учинчи ва тўртинчи қисмларига мувофиқ, агар шахс ўз қилмишининг ижтимоий хавфли хусусиятини англаган, унинг ижтимоий хавфли оқибатларига кўзи етган ва уларнинг юз беришини истаган бўлса, бундай жиноят тўғри қасддан содир этилган деб топилади. Агар шахс ўз қилмишининг ижтимоий хавфли хусусиятини англаган, унинг ижтимоий хавфли оқибатларига кўзи етган ва уларнинг юз беришига онгли равишда йўл қўйган бўлса, бундай жиноят эгри қасддан содир этилган деб топилади. Айни шу сабабли, қилмишнинг ижтимоий хавфли хусусияти ва унинг оқибатларига таъсир этувчи ҳолатларнинг барчаси шахсга маълум бўлиши керак. Хавф остида қолдириш жиноятида шахс жабрланувчининг ҳаёти ёки соғлиғи учун хавфли бўлган аҳволни англаши ва уни шу аҳволда қолдиришни исташи лозим. Субъект ўз хулқ-атворининг жиноийлигини, унинг қонунга хилофлигини, яъни ҳаракатсизлик унга тегишли тарзда иш кўриш мажбуриятини юкловчи муайян норматив-ҳуқуқий ҳужжат билан тақиқланганини билгани учун ҳам англайди. Айбдорликнинг моҳияти ҳақидаги тасаввур ўз хулқ-атворининг қонунга хилофлигини англаш айб тушунчасининг муҳим элементларидан биридир, деган хулосага келиш имконини беради. Субъект жабрланувчини хавф остида қолдирар экан, ўз хулқ-атворининг ижтимоий хавфли хусусиятини англайди ва унинг юз бериши мумкин бўлган оқибатларига кўзи етиши мумкин. Айни пайтда, у ўз хулқ-атвори натижасида айнан қандай оқибатлар юз бериши мумкинлигини билмаслиги ҳам мумкин.

Шу ўринда табиий бир савол туғилади: айбдор ижтимоий хавфлилигига кўзи етмаган оқибатларнинг юз бериши учун жиноий жавобгарликка тортилиши мумкинми? С.В.Векленко фикрига кўра, қасддан содир этиладиган жиноятларда оқибатларга кўзи етишнинг предмети сифатида уларнинг ижтимоий хавфлилик даражаси эмас, балки муайян шахсларнинг манфаатларига зарар етказиш имконияти амал қилиши лозим ва бу қасднинг интеллектуал мазмунини конкретлаштириш имконини беради¹. Бизнингча, бу фикр хавф остида қолдириш жиноятининг субъектив томонини аниқлашда муайян мазмун касб этади. Субъект жабрланувчини хавф остида қолдирар экан, ўз хулқ-атворининг ғайриқонунийлигини англайди ва реал оқибатлар юз беришига фаол қаршилиқ кўрсатмаса, улар амалда юз бериши мумкинлигига мавҳум тарзда кўзи етади. Бунда, агар хавф остида қолдириш содир этилгани аниқланган бўлса, юз берган оқибатларга нисбатан руҳий муносабатни аниқлаш жиноятни квалификация қилишда биринчи даражали роль ўйнайди. Оқибатларга руҳий муносабат қилмишни дастлабки тарзда квалификация қилишда, айниқса, муҳимдир, чунки оқибатларга тўғри ёки эгри қасд мавжудлигини объектив аниқлаш, айбдор ўз хулқ-атворининг ижтимоий хавфли оқибатларига кўзи етгани ва уларнинг юз беришини истагани ҳаёт ёки соғлиққа қасддан тажовуз қилиш содир этилгани ҳақида гапириш имконини беради.

Субъектнинг ҳаракатсизликка руҳий муносабатини аниқлаш учун (бу асосан жиноятнинг субъекти тўғрисидаги масалага ойдинлик киритиш учун зарур) шахс ўзининг

фаоллик кўрсатиш ҳукукий мажбурияти мавжудлигидан хабардор бўлганини аниқлаш талаб этилади. Мазкур хабардорлик тегишли айб шаклининг интеллектуал элементи ҳисобланади. Шахс ўз пассив хулқ-атвори фактини ва амр этилган ҳаракатларни бажариш имкониятини англаши лозим. Инсон муайян қилмишларни содир этар экан, уларнинг моҳиятини англаши ва юз бериши мумкин бўлган оқибатларига кўзи етиши керак. Тўғри, конун айнан моддий оқибатларга кўзи етишини доим ҳам талаб қилавермайди. Бироқ, айбдор бошқа одамни хавф остида қолдирар экан, жабрланувчининг хавфли аҳволини, унга ўзини ўзи ҳимоя қилиш имконини бермайдиган ҳолатларни англаши ва унинг ҳаёти ёки соғлиғига хавф туғилиши мумкинлигига кўзи етиши лозим.

Кўриб чиқиладиган қилмиш моддий таркибли жиноят ҳисоблангани боис, хавф остида қолдиришнинг одам ўлиши ёки баданга шикаст етказилиши тарзидаги оқибатларига нисбатан субъектив муносабат жиноятни тўғри квалификация қилиш учун ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир. Хавф остида қолдиришни қасддан баданга оғир ёки ўртача оғир шикаст етказиш, одам ўлдириш, эҳтиётсизлик орқасида одам ўлдириш ёки баданга шикаст етказишдан ажратишда шу хусусиятни инобатга олиш муҳимдир. Одам ўлдиришда шахснинг одам ўлиши тарзидаги оқибатларга бўлган

муносабати тўғри ёки эгри қасд шаклида ифодаланади, эҳтиётсизлик орқасида одам ўлдиришда эса, ўз-ўзига ишониш ёки жиноий бепарволик шаклида бўлади. Хавф остида қолдиришда одам ўлиши ёки баданга шикаст етказилиши тарзидаги оқибатлар ЖКнинг 117-моддасида назарда тутилган жиноят таркиби билан қамраб олингани боис, бу ерда айбдорнинг ўз қилмиши оқибатига бўлган субъектив муносабати жиноят таркиби доирасидан четга чиқмайди.

Моддий таркибли жиноятларда айбдорнинг ўз қилмиши оқибатларига бўлган руҳий муносабатигина жиноий жавобгарликка тортиш учун асос бўлиб хизмат қилиши мумкин. Хавф остида қолдиришда субъектнинг қасди фақат хавф остида қолдириш фактининг ўзига нисбатан конкрет ҳисобланади, бироқ оқибатларга нисбатан у конкрет бўлиши мумкин эмас². У бевосита ҳаёт ёки соғлиққа эмас, балки ҳаёт ёки соғлиқнинг хавфсизлигига зарар етказилиши мумкинлигига кўзи етган бўлиши лозим. Оқибатларнинг юз беришига нисбатан у мавҳум хусусият қасб этади, яъни воқеа ривожи ҳақида мантиқий мулоҳаза юритиш маълум муддатдан сўнг, муайян шароитлар таъсирида салбий натижа юз бериши мумкин, деган тўхтамга келиш имконини беради.

Субъект ҳаракат ва оқибат ўртасида аниқ сабабий боғланиш мавжуд бўлганда оқибат

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақола хавф остида қолдиришнинг субъектив томонини аниқлаш масалаларига бағишланган.

Калит сўзлар: жиноят, жавобгарлик, хавф, субъектив томон, қасд, эҳтиётсизлик.

* * *

Данная статья посвящена вопросам определения субъективной стороны оставления в опасности.

Ключевые слова: преступление, ответственность, опасность, субъективная сторона, умысел, неосторожность.

* * *

This article focuses on the definition of subjective side in danger.

Key word: crime, responsibility, danger, subjective side, intent, carelessness.

юз бериши мумкинлигига кўзи етади. Айбдор воқеа ривожини йўналишини англайди, яъни ўз қилмиши муайян натижа юз беришига олиб келиши муқаррар эканлигини тушунади³. Ўз қилмишининг юз бериши мумкин бўлган оқибатларига кўзи етиш, тушуниш билан бир қаторда, қасддан содир этиладиган жиноят интеллектуал мазмунининг муқаррар элементи ҳисобланади. Шу маънода С.В.Векленконинг жиноят қонунида (ЖК 25-моддасининг иккинчи қисмида) у ёки бу оқибатлар юз беришининг муқаррарлигига кўзи етганликка урғу бериш унча тўғри бўлмайди, деган фикрига кўшилиш мумкин. Зотан ўз қилмишининг оқибатларига кўзи етганлик эҳтимол тутилган ҳар қандай оғишларни истисно этиши лозим. ЖК 117-моддасининг таҳрири айна ҳолда қонун чиқарувчи «олиб келса» атамасини ишлатиш орқали жиноят таркибининг субъектив томонини аниқлашда юқорида зикр этилганга ўхшаш оғишларга чек қўйган, деган хулосага келиш имконини беради.

Агар жиноят қонуни жиноий натижа юз бериши муқаррарлигига бўлган ишонч жиноятчининг онгида акс этганини аниқлашни талаб этадиган бўлса, бу кўпгина жиноятчиларнинг жазосиз қолишига олиб келади. Зеро, улар ҳар доим ўз ҳаракатларининг натижалари ўзларига муқаррар бўлиб туюлмаганига, фақат жиноий оқибатлар юз бериши мумкинлигини англаганларига ишора қилишлари мумкин. Жиноят қасддан содир этилган деб топиш учун шахс жиноий натижа юз бериши мумкинлигига кўзи етганини аниқлашнинг ўзи кифоя қилади. Жиноий натижанинг юз бериш эҳтимоли даражаси турлича бўлиши мумкин. Хусусан, субъект жиноий натижа амалда юз бериши мумкинлигига кўзи етган бўлиши ҳам, унинг юз беришини мавҳум даражада тахмин қилган бўлиши ҳам мумкин. Сўнгги зикр этилган ҳолда субъект ўхшаш вазиятларда хавфли оқибатлар юз бериши мумкинлигини тушунади, бироқ буни мазкур ҳолатга татбиқ этмайди. Шу туфайли ҳам содир этилган қилмишнинг жиноий оқибатларига кўзи етганлик турли даражада аниқ ва муайян бў-

лиши, аниқроқ айтганда, ўз фаолиятининг зарурий ёки эҳтимол тутилган натижаси сифатида тушунилиши мумкин.

Хавф остида қолдиришда субъектдан жабрланувчига амалда ва аниқ зарар етказиш тарзида муайян оқибатларга кўзи етганликни талаб қилиш мумкин эмас. У фақат муайян вазиятда мазкур оқибатлар юз бериши мумкинлигини мавҳум тарзда англаши мумкин, бироқ ўз тахминини аниқ натижага татбиқ этмайди. Демак, айрим муаллифларнинг зарарли оқибатлар юз бериши мумкинлигига субъектнинг аниқ кўзи етган бўлиши лозим, деган фикри унча асосли эмас⁴. Хавф остида қолдиришда фақат бузилаётган (шахснинг ҳаёт ёки соғлиқ учун хавфли аҳволдаги одамга ёрдам кўрсатиш мажбуриятини белгилловчи) муносабатларга зарар етказилиши мумкинлиги аниқ тахмин қилинади. Албатта, субъект кўнгилсиз воқеаларнинг табиий ривожини келтириб чиқариши мумкин бўлган оқибатларни ҳам тахмин қилиши мумкин. Бироқ, уларнинг амалда юз бериши юқорида айтиб ўтилган кўп сонли табиий омилларга боғлиқ бўлади.

Хавф остида қолдириш жинояти субъектив томонининг интеллектуал элементи жабрланувчининг хавфли аҳволини, унинг ўзини ўзи ҳимоя қилиш имкониятидан маҳрумлигини, ўзининг жабрланувчига ёрдам кўрсатиш мажбуриятини тушуниш каби омилларни ҳам ўз ичига олади. Субъект жабрланувчи қандай ёрдамга муҳтожлигини, унга ёрдам кўрсатиш учун қандай ҳаракатлар зарурлигини, шунингдек унга мазкур ёрдамни кўрсатиш имконини берувчи муайян шароитларни англаши лозим. Қуйидагилар: 1) қонун ёки қонуности ҳужжатининг тўғридан-тўғри амрига; 2) шартнома, келишув ёки битимга мувофиқ; 3) эгаллаган лавозими ёки касбий фаолиятига кўра; 4) қариндошлик алоқаларига кўра; 5) жабрланувчи ва айбдор ўртасида илгари мавжуд бўлган муносабатларга кўра жабрланувчига ёрдам кўрсатиш мажбуриятини тушуниш аниқ, оқибатларга кўзи етиш эса – мавҳум бўлиши лозим.

Тамом бўлган деб топиш учун бирон-бир оқибатларнинг юз беришини талаб қилмай-

диган формал таркибли жиноятларда айбдор ижтимоий хавфли оқибатларга кўзи етиши мумкинлиги тўғрисидаги масала атрофида узоқ йиллардан бери давом этаётган баҳс-мунозаралар наинки фанда, балки ҳуқуқни қўллаш амалиётида ҳам келишмовчиликлар юз беришига олиб келаётир. Масалан, М. автомобилда пиёда ни уриб юборади, унинг баданига оғир шикаст етказди ва тиббий ёрдам кўрсатиш учун касалхонага олиб кетади, бироқ йўл-йўлакай ўйлаб ўз фикридан қайтади ва жабрланувчини йўл ёқасига ётқизиб, устини шох-шабба билан ёпиб кетади. Айни ҳолда жабрланувчининг баданига шикаст транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиш (ЖКнинг 266-моддаси) натижасида етказилган. Йўл ҳаракати қоидаларига мувофиқ, ҳайдовчи шикастланганларга биринчи тиббий ёрдам бериш учун зарур бўлган чораларни кўриши, «Тез тиббий ёрдам»ни чақириши, шошилиш ҳолларда эса шикастланганларни яқин орадаги даволаш муассасасига транспортда жўнатиши, бунинг иложи бўлмаган ҳолларда ўз транспорт воситасида олиб бориши, у ерда ўз исми-шарифини, транспорт воситасининг рақамли белгисини билдириши (ҳайдовчилик гувоҳномасини ёки ўз шахсини тасдиқловчи, транспорт воситасининг рўйхатдан ўтганлик ҳужжатини кўрсатиши) ва ҳодиса рўй берган жойга қайтиб келиши шарт.

Юз бериши мумкинлигига айбдорнинг кўзи етган оқибатларга нисбатан тўғри қасд билан қандай қилмиш содир этилган? Одам ўлишига автомобилда пиёда уриб юборилиши натижасида олинган тан жароҳатлари сабаб бўлган, бироқ унга тиббий ёрдам ўз вақтида кўрсатилганида, одам ўлиши тарзидаги оқибатнинг олдини олиш мумкин эди. Ижтимоий хавфли қилмишни содир этгандан сўнг жабрланувчига ёрдам кўрсатмаслик ва жиноят изларини яшириш бир-бири билан ўзаро боғланмайди. Бинобарин, бу ерда хавф остида қолдириш жинояти мавжуд эмас, қилмиш эса оғир оқибатларга сабаб бўлган йўл ҳаракати қоидаларини бузиш ва жиноятлар мажмуи бўйича қасддан одам ўлдириш сифа-

тида квалификация қилиниши лозим, чунки жабрланувчини шох-шаббалар остига яшириш орқали айбдор хавф остида қолдириш жиноятининг ҳам, ЖКнинг 266-моддасида назарда тутилган жиноятнинг ҳам чегарасидан четга чиққан.

Хавф остида қолдириш жиноятининг субъектив томонини таҳлил қилганда, ирода омилига ҳам алоҳида тўхталиб ўтиш зарур. Зеро қилмишни квалификация қилишга мазкур омилнинг аниқланиши ҳам сезиларли даражада таъсир кўрсатади. Шахснинг хулқ-атворига нафақат ташқи муҳит, балки унинг маънавий хусусияти ҳам ўз таъсирини кўрсатади. Инсон қарорлари ва хулқ-атворига айнан унинг феъл-атвори таъсир кўрсатади, айни пайтда у шахснинг ташқи муҳитда юз бераётган воқеаларга бўлган муносабатини намойиш этади. Хулқ-атворда ҳаракатларнинг онгли бошқарилиши ва натижага эришишга қаратилган хоҳиш-ирода намоён бўлади. Хавф остида қолдиришга нисбатан субъект ҳаёт ёки соғлиққа зарар етказишга ҳаракат қилади, деб айтиш мумкин эмас. Бу ерда айбдорнинг ирода элементи ожиз аҳволда қолган шахснинг ҳаёти ёки соғлиғи хавфсизлигини таъминлаш мажбуриятини юқловчи талабларни бузиш ниятида ва мазкур оқибатларнинг юз беришига йўл қўйишда ифодаланади.

Объектив воқеликда у жабрланувчини хавф остида қолдиришда ёки унга ёрдам кўрсатмасликда ифодаланади. Бошқа оқибатларнинг юз беришини у мавҳум тарзда идрок этади. Ирода омили жиноят таркибининг айрим элементларини лозим даражада англамасликда намоён бўлиши ҳам мумкин. Уларни англаш даражаси шахс жиноят таркибининг муайян объектив белгиси мавжудлигини эҳтимол тутишидан унинг мавжудлигини билишига қадар ораликда бўлиши мумкин.

Субъект инсонни хавф остида қолдирар ва унга ёрдам кўрсатмас экан, ўз хулқ-атвори билан ўзининг хоҳиш-иродасини, яъни ўзини ўзи ҳимоя қилиш имкониятидан маҳрум бўлган ожиз аҳволдаги одамни хавфли аҳвол-

да ташлаб кетиш ниятини ифодалайди. Бу хоҳиш-ирода юз берган оқибатларга татбиқ этилмайди, чунки айбдор уларнинг реаллигини англамайди, бироқ улар юз бериши мумкинлигига кўзи етади. Бу ерда ҳаракатсизлик ҳаёт ёки соғлиқ хавфсизлигига туғилган таҳдидга била туриб қаршилиқ кўрсатмасликда ифодаланади, бироқ бунда субъект талаб этилган ҳаракатларни бажариш имконияти мавжудлигини тахмин қилади.

Инсон ўтиб бўлмайдиган ички ёки ташқи тўсиқлар туфайли эмас, балки ўз хоҳиш-иродасига кўра ҳаракат қилиши ёки ҳаракатсиз қолиши керак. Шу туфайли ҳам мажбуриятни бажармаган шахс, агар у муайян сабабларга кўра ҳаракат қилиш имкониятидан амалда маҳрум этилган бўлса, ўз ихтиёри билан иш кўра олмайди. Мажбуриятни бажариш имконияти амалда бор-йўқлиги нуқтаи назаридан хулқ-атвор вариантлари мавжудлигини аниқлаш талаб этилади, чунки шахс амалда ўз хулқ-атворининг муайян вариантини танлаш имкониятига эга бўлиши, бироқ керакли ҳаракатларни бажариш имконияти унда мавжуд бўлмаслиги мумкин⁵. Айни шу сабабли ёрдам кўрсатиш имконияти аниқлангани субъектнинг айбига доим ҳам ишора қилавермайди.

Ёрдам кўрсатиш имконияти объектив мезон ҳисобланади, уни англаш эса субъектив мезон сифатида амал қилади. Жабрланувчига қандай ёрдам кераклигини, уни кўрсатиш имконини берувчи муайян шароитларни тушунар экан, субъект уни кўрсатиш имконияти мавжудлигини англайди, шу туфайли ҳам, агар бундай имконият мавжуд бўлган, бироқ субъект янглиш тарзда мазкур имконият йўқ деб

ўйлаган бўлса, ўз ҳаракатсизлигини субъект ўз хулқ-атвори сифатида эмас, балки энгилмас куч натижаси сифатида тасаввур қилади. Тушуниш ҳаракатлар оқибатларининг бартараф этилишига олиб келиши муқаррарлигига бўлган ишончлигини эмас, балки ёрдам кўрсатиш йўналишида ҳаракат қилиш имконияти мавжудлигини англашни ҳам назарда тутлади. Субъект ёрдам кўрсатиш учун мавжуд чораларнинг барчасини (ҳатто улар амалда ижобий самара бермаса ҳам) кўриши лозим. Хавфни бартараф этиш воситалари субъектга маълум бўлиши керак. Бу хабардорлик субъектнинг фаолият тури билан белгиланади. Айбдор жабрланувчини қутқаришга қаратилган ва амалга ошириш мумкин бўлган ихтиёрий хулқ-атвор вариантларидан бирини ўз психофизиологик хусусиятлари ва юзага келган шароитга мос равишда танлаш имкониятига эга бўлиши лозим. Қутқариш учун кўрсатилган имкониятлар мавжуд бўлган ва айбдор улардан онгли равишда фойдаланмаган ҳолдагина хавф остида қолдириш жиноятида ҳаракатсизликнинг ирода элементи мавжудлиги ҳақида гапириш мумкин.

Шундай қилиб, хавф остида қолдиришда ирода омили шахснинг ёрдам кўрсатиш имконияти амалда мавжудлигини англаган, эҳтимол тутилган оқибатлар юз беришини истамаган ҳолда, жабрланувчини ёрдамсиз қолдиришни исташи билан тавсифланади.

С. ДАВЛЕТМУРАТОВ,
жиноят ишлари бўйича
Амударё туман суди раиси

¹ Векленко С.В. *Интеллектуальное содержание умышленной вины // Уголовное право. 2001. №4. – С. 25.*

² М.Х. Рустамбоев *ёзишича, қилмишига нисбатан айбдор қасддан ҳаракат қилади, оқибатларга нисбатан эса айб қасд шаклида бўлиши ҳам, эҳтиётсизлик шаклида бўлиши ҳам мумкин. Қаранг:*

³ Дазель П.С. *Проблемы вины в советском уголовном праве // Учен. зап. Вып. 21. Ч. 1. — Владивосток, 1968. – С.82.*

⁴ Зелинский А. *Кўрсатилган асар. – 22-б.; Топильская Е.В. Спорные вопросы субъективной и объективной стороны оставления в опасности // Вестн. Ленингр. ун-та. Сер. 6. 1987. Вып. II. – 108-б.; Орлов П.Я. Кўрсатилган асар. – 82-б.*

⁵ Шаранов Р.Д. *К вопросу о бездействии в уголовном праве // Правоведение. 1998. №3. – С.102.*

ЗАМОНАВИЙ УЧУВЧИСИЗ ҚУРИЛМАЛАРДАН ФЙДАЛАНИШНИНГ АФЗАЛЛИКЛАРИ

Бугун шиддат билан ривожланаётган жаҳоннинг етакчи мамлакатлари ўз Қуролли Кучларини замонавий қурол-яроғлар ва зирҳли техникаларнинг янги авлодлари билан таъминлаб, мавжудларини эса янада такомиллаштиришмоқда. Ҳозир нафақат қуруқликда жанг олиб бориш, балки ҳаво ҳамда коинот орқали ҳам ҳужум қилишнинг янги усул ва техникалари яратилиб, баъзи ривожланган мамлакатларнинг Қуролли Кучлари тизимида ишлатиб келинмоқда.

Замонавий учувчисиз қурилмалар шулар жумласидандир.

Учувчисиз учиш қурилмаси ёки дрон (дронлар) – бу учувчисиз учиш аппарати (БПЛА, БЛА) ёки учувчисиз авиация қурилмаси (UASes) деб аталади. Дронлар масофадан туриб бошқариладиган ва автоном, яъни олдиндан киритилган маълумотга асосан ҳаракатланадиган турларга бўлинади¹.

Аввалига дронлардан фақат ҳаводаги нишонларни йўқ қилиш, душманга ҳужум қилиш ва маълумотларни йиғиш учун фойдаланилган бўлса, ҳозирда бошқа соҳаларда ҳам кенг ишлатилиб келинмоқда. Жумладан, қишлоқ хўжалиги, кузатув ва қўриқлаш хизматида, геодезия, археология қидирув ва кутқарув ишларини амалга оширишда, юк етказиб беришда, киноматографиянинг фото ҳамда видео тасвирга

олиш каби соҳаларида ҳам фойдаланилмоқда.

Дронларнинг турлари кўп бўлиб, уларнинг номланиши ҳам ҳар хил. Кўпинча ҳарбий соҳада ишлатиладиган учувчисиз қурилмалар «дронлар» деб аталса, фуқаролик соҳаларида ишлатиладиган учувчисиз қурилмаларни «коптер»лар деб аташади. Коптерларнинг ҳозирда квадрокоптер, трикоптер, октокоптер ва гексакоптер каби турлари анча ривожланган.

Биринчи бўлиб «дрон» атамасини 1936 йилда Америка денгиз флоти учинчи ранг капитани Делмар Фарни ўз ҳисоботида илк бор ишлатган ва ушбу ибора кейинчалик оммалашиб кетган².

Масалан, «quadrocopter» сўзи инглиз тилидан олинган бўлиб, «тўртроторли вертолёт» деган маънони англатади. Роторларнинг сони ва бошқа функцияларига қараб коптерларни – мультикоптерлар деб ҳам аташади.



Коптерларнинг номланиши улар парракларининг сонидан келиб чиқиб, квадрокоптер – тўртпарракли (роторли), трикоптер – учпарракли, октокоптер – олтипарракли ва гексакоптер – саккизпарракли деб номланган.

Ривожланган давлатларнинг Қуролли Кучлари тизимидаги ҳарбий дронлар:

- душман кўшинлари жойлашуви бўйича маълумотлар йиғиш;
- ҳаводаги нишонларни йўқ қилиш;
- душманнинг радио тўлқинларини тўсиш;
- радио тўлқинларни узатиш учун воситачи сифатида фойдаланиш (ретранслятор);
- душманга ҳаводан ҳужум қилиш каби вазифаларни бажаради.

Фуқаролик соҳаларида ишлатиладиган дронлар, яъни коптерлар:

- фото ва видео тасвирга олиш (ҳарбий дронларда ҳам мавжуд);
- юк кўтариш;
- тезкор ҳаракатланиш;
- қишлоқ хўжалиги соҳаси билан боғлиқ ишларни амалга ошириш (сув ва уруғларни сепиш ва ҳ.з.);
- одам ташиш ва шу каби бошқа вазифаларни бажара олади.

Ҳарбий ва фуқаролик дронларнинг фарқи нимада? Уларнинг вазифалари деярли бир хил-ку.

Ҳарбий дронлар фуқаролик дронларига қараганда:

- оғирлиги;
- узоққа учиш ва баландга кўтарилиш қобилиятига эгаллиги;
- ички ёнув двигатели билан жиҳозлангани (коптерларнинг айрим турларида ҳам мавжуд);
- парракларнинг мавжуд эмаслиги (кўп моделларида);
- нархининг анча қимматлиги ва бошқа

хусусиятлари билан фарқланади.

Ҳарбий дронлар анча қимматлигини ҳисобга олиб, фуқаролик дронларининг нархи арзонлиги сабабли улардан Қуролли Кучларимиз тизимида қуйидаги ҳолатларда фойдаланишимиз мумкин. Масалан:

- фавқулодда ҳолат ёки табиий офат содир бўлган жойларни аниқлаш ва шу ҳудудларнинг хариталарини чизишда;
- фавқулодда ҳолат ёки табиий офат содир бўлган жойлардаги аҳолига озиқ-овқат маҳсулотларини етказишда;
- ёнғин содир бўлган жойни ўчиришда;
- давлат чегараларини қўриқлашда;
- тоифаланган объектларнинг ҳудудларини кўриқлаш ва назорат қилишда ва бошқа шу каби вазифаларни бажаришда.

Юқорида санаб ўтилган ва бошқа ҳолатларда дронлардан фойдаланишда эришила-диган афзалликлар қуйидагилар:

- маълумотларни тезкор тўплаш ва қисқа вақтда таҳлил қилиш имконининг пайдо бўлиши;
- реал ҳолатни кузатиш ва назорат қилиш;
- қўшимча жалб этиладиган ишчи кучининг камайиши;
- табиий офат ва хавф билан боғлиқ жойларда инсон соғлиғи ва ҳаётини сақлаб қолиш имконининг юқорилиги.

Шу билан бирга давлат томонидан тўланадиган компенсация тўловларининг бюджетда сақлаб қолинишига эришилади. Албатта, бу каби мисолларни кўплаб келтиришимиз мумкин.

Дронлардан фойдаланиш масаласи ҳозирги кунда дунё ҳамжамятида қонунчилик билан тартибга солинаётган янги соҳа ҳисобланади. Аввалига дронлардан фақат ижобий мақсадларда фойдаланиш назарда тутилган бўлса-да, лекин ушбу қурилмалар туфайли кўнгилсиз ҳодисалар ва жиноят-

лар содир этилиши кўпайгани боис, баъзи давлатларда дронларни рухсатсиз учуришга тақиқлар қўйила бошланди ҳамда уларни учуриш учун рухсат бериш тартиблари ишлаб чиқилди.

Хавфсизликни таъминлаш мақсадида учувчисиз учуш аппаратларини Ўзбекистонга рухсатсиз олиб кириш, сотиш ва улардан фойдаланиш 2015 йил 1 январдан тақиқланган. 2017 йил 13 июлда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги Қонунда учувчисиз учуш қурилмаларидан ноқонуний фойдаланилганда жиноий ва маъмурий жавобгарликка тортиш белгиланган. Яъни, жарималардан тортиб, одамлар ўлимига, ҳалокатига ва бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлса, 10 йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси берилади. Кўриниб турибдики, Ўзбекистон ҳудудига жисмоний шахсларнинг дрон олиб кириши ва ундан фойдаланиши жиноят ҳисобланади. Ушбу қурилмани юртимизга олиб кириш борасида Вазирлар Маҳкамасининг алоҳида қарори ишлаб чиқилган³.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 26 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикасининг ҳаво бўшлиғида учувчисиз учуш қурилмаларидан санкциясиз фойдаланишда огоҳлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги⁴ 332-сонли ҳамда 2016

йил 31 августдаги 287-сонли, шунингдек 2018 йил 15 августдаги 662-сонли қарорларига⁵ асосан 12 та давлат идора ва ташкилотларига дронларни чегарадан олиб кириш ва улардан фойдаланишга рухсат этилган (рухсат этилган идора ва ташкилотларнинг рўйхати қарорда кўрсатиб ўтилган).

2019 йилнинг 2 май куни қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодексларига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги ЎРҚ-534-сонли Қонунининг 1-моддасига асосан, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси 244⁴-модда билан тўлдирилган бўлиб, учувчисиз учадиган аппаратларни қонунга хилоф равишда олиб кириш, ўтказиш, олиш, сақлаш ёки улардан фойдаланиш бўйича жиноий жавобгарлик белгиланган⁶.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, шиддат билан ривожланаётган ахборот технологиялари даврида қисқа фурсатда маълумотга эга бўлиш ва ушбу маълумотлар асосида ҳаракатланиш, тўғри қарорлар қабул қилиш ҳамда кўп сонли йўқотишларнинг олдини олиш муҳим. Бунда эса, замонавий дронлар (коптерлар)нинг ўрни бекиёс.

М. МАГРУБОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Ички ишлар вазирлиги капитани

¹ <https://dronomania.ru/faq/chto-takoe-dron.html>.

² <https://ru.wikipedia.org/wiki>.

³ <http://mahalladosh.uz/post?id=7631>.

⁴ <https://lex.uz/docs/2503513>.

⁵ <https://lex.uz/pdfs/3866504#3867634>.

⁶ <https://kun.uz/news/2019/05/27/hujjatda-oyinchoq-deb-korsatilgan-tovar-aslida-nima-edi>.

СУРИШТИРУВ ВА ДАСТЛАБКИ ТЕРГОВДА ВОЯГА ЕТМАГАН ГУМОН ҚИЛИНУВЧИ ВА АЙБЛАНУВЧИЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ МУҲОФАЗАСИ

Жиноят-процессуал қонунчилигига кўра, вояга етмаганларга доир жиноят ишларини тергов қилиш ҳам суриштирув ва дастлабки тергов шаклида амалга оширилади.

Қонунларда вояга етмаган ҳуқуқбузарларга катта ёшдагиларга қараганда уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларининг кўпроқ кафолатлари белгиланган. Боиси, вояга етмаган шахслар ёш, физиологик, ижтимоий-психологик ва бошқа белгиларига кўра ҳуқуқий муносабатларнинг алоҳида субъектлари ҳисобланади¹.

Зеро, вояга етмаганларнинг етарлича ижтимоий ва психологик камолотга эришмаганлиги, ҳаётий тажрибасининг йўқлиги уларнинг ўзини тўла муҳофаза қилишга имкон бермайди. Жиноят ишлари бўйича иш юритувда қонуний вакил, вакил, ҳимоячи, педагог ва психолог иштироқи вояга етмаганнинг манфаатларини ҳимоя қилиш учун зарурий шароитлар яратади².

Суриштирув ва дастлабки терговда вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлашда ҳимоя ҳуқуқи долзарб аҳамиятга эга.

Вояга етмаган шахс ҳимоя ҳуқуқининг асосий фарқли жиҳатлари қуйидагилардан иборат:

- вояга етмаган гумон қилинувчи, айбланувчининг мураккаб ҳуқуқий мақомидан келиб чиқувчи ҳимоя ҳуқуқини амалга оширишнинг субъектив таркибининг ўзига хослиги, шунингдек қонуний вакил, педагог ва бошқаларнинг иштироқи;

- вояга етмаганларга нисбатан процессуал ва тергов ҳаракатларини амалга оширишнинг алоҳида қоидалари белгиланганлиги;

- вояга етмаган шахснинг Жиноят-процессуал кодекси (ЖПК)да белгиланган ай-

рим ҳуқуқларининг ажратилганлиги ва ўзига хослиги³.

Дарҳақиқат, вояга етмаган шахснинг ақлий, психофизиологик ва бошқа ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда, жиноят-процессуал қонунчиликда уларнинг ўз ҳимоя ҳуқуқидан самарали фойдаланишини таъминлаш мақсадида қўшимча кафолатлар яратилган. Жумладан, ЖПКда вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари ҳимоячи ҳамда қонуний вакил томонидан ҳимоя қилиниши кўзда тутилган.

ЖПКнинг 549-моддасига кўра, қонуний вакилнинг ишда иштирок этишига вояга етмаган шахсни гумон қилинувчи ёки айбланувчи тариқасида биринчи сўроқ қилиш пайтидан бошлаб йўл қўйилади. Айни шу сўроқдан бошлаб, суриштирувчи ёки терговчи ишда ҳимоячининг иштирок этишини таъминлаш чораларини кўради (ЖПКнинг 550-моддаси). Қонуний вакил ҳамда ҳимоячининг ишга киришиш пайтига доир мазкур тахрирни мазмунан у қадар тўғри ёндашув деб ҳисобламаймиз. Зеро, вояга етмаган шахс иштирокида амалга ошириладиган процессуал ҳаракатлар ҳар доим ҳам дастлабки тергов ҳаракати ҳисобланмайди, масалан, айрим ҳолларда таниб олиш учун кўрсатиш ёки бошқа тергов ҳаракатлари вояга етмаган шахсни гумон қилинувчи ёки айбланувчи тариқасида биринчи сўроқ қилишдан олдин амалга оширилиши мумкин.

Қозғоғистон Республикаси⁴, Қирғизистон Республикаси⁵ жиноят-процессуал қонунчилигида ҳимоячи ишда вояга етмаган шахсни гумон қилинувчи ёки айбланувчи тариқасида биринчи сўроқ қилиш пайтидан, шахс ушланганида эса – у ушланган пайтдан бошлаб иштироқи таъминланиши белгиланган.

Молдова Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 480-моддасига кўра, қонуний вакилнинг ишда иштирок этишига вояга етмаган шахс ушланган ёки дастлабки қамоқ пайтидан бошлаб ёхуд башарти шахс ушланмаган ёки қамоққа олинмаган бўлса, дастлабки сўроқ пайтидан бошлаб йўл қўйилиши белгиланган⁶.

Суриштирувчи, терговчининг қарорига кўра, ўтказиладиган тергов ҳаракатларида иштирок этувчи вояга етмаган гумон қилинувчи, айбланувчининг қонуний вакили ушбу ҳаракатларнинг кечиш жараёни ва натижасига самарали таъсир этиш воситаларига эга⁷.

Зеро, А.Мишенина, И.Кирянина қайд этганидек, қонуний вакиллар ҳимоя томон вакиллари сифатида вояга етмаган шахснинг исботлаш жараёнида фаол иштирок этиш имкониятини таъминлайди, вояга етмаган шахсга нисбатан эҳтиёт чорасини танлаш ҳамда жиноят ишининг келгуси ҳаракати хусусидаги масалани тўғри ҳал қилиш асосларини яратади⁸.

Юқорида қайд этилган муаллифларнинг фикрини тўла қувватлаган ҳолда, шуни алоҳида қайд этиш жоизки, вояга етмаган шахснинг ҳуқуқий ҳимояланганлиги даражасини баҳолашда ҳимоячи ҳамда қонуний вакилнинг жараёнга кириш вақти муҳим аҳамиятга эга. Шунга кўра, ЖПКнинг 549, 550-моддаларида вояга етмаган шахс иштирокида амалга оширилган илк тергов ҳаракатидан, шахс ушланганда унинг ҳаракатлиниш эркинлигига бўлган ҳуқуқ амалда чекланган вақтдан бошлаб ҳимоячи ҳамда қонуний вакилнинг иштироки таъминланиши шартли-

гини белгиловчи қондани киритиш мақсадга мувофиқ, деб ўйлаймиз.

Қонуний вакилнинг фаолияти вояга етмаган шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлашга қаратилган, чунки ушбу шахслар мустақил равишда уларни тўла ҳажмда амалга оширишга қодир эмас⁹.

Бирок, ҳар доим ҳам жиноят ишига қонуний вакил сифатида жалб этилган шахснинг вояга етмаган гумон қилинувчи, айбланувчи иштирокида ўтказиладиган процессуал ҳаракатда иштироки вояга етмаган шахснинг манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган бўлмайди. Аксинча, айрим ҳолда бундай иштирок вояга етмаган шахснинг манфаатларига зиён етказиши мумкинлигини ҳам инкор этиб бўлмайди. Шу боис, вояга етмаган шахсни сўроқ қилишда қонуний вакилни иштирок этиши тўғрисидаги қарорни қабул қилишда қуйидаги икки ҳолатни эътиборга олиш зарур:

биринчиси, вояга етмаган шахснинг қонуний вакил сифатида жалб этилаётган шахсга муносабати;

иккинчиси, қонуний вакилнинг салбий таъсир кўрсатиш эҳтимоли¹⁰.

Дарҳақиқат, айрим ҳолларда қонуний вакилнинг сўроқда иштирок этиши вояга етмаган шахсда кўрқув, уят каби ҳис-туйғуни юзага келтириши ва унинг ҳақиқатга тўла мувофиқ бўлмаган кўрсатувлар беришига сабаб бўлиши мумкин. З.И.Корякина қайд этганидек, қонуний вакилнинг тергов ҳаракатида иштироки масаласининг вояга етмаган шахс билан келишилмаганлиги айрим ҳолларда амалиётда вояга етмаган шахснинг кўрсатув беришдан бош тортишига ҳам олиб

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада суриштирув ва дастлабки терговда вояга етмаган гумон қилинувчи ва айбланувчиларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари муҳофазаси масалалари ёритилган. Хусусан, суриштирув ва дастлабки тергов даврида вояга етмаганларнинг жиноят ишлари бўйича ҳимоячи ва қонуний вакилнинг иштироки билан боғлиқ бўлган ҳолатлар таҳлил этилиб, илмий асосланган таклифлар келтириб ўтилган.

Калит сўзлар: суриштирув, дастлабки тергов, вояга етмаган, гумон қилинувчи, айбланувчи, ҳимоячи, қонуний вакил.

келиши мумкин¹¹. Бу каби ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида муайян шахсни қонуний вакил сифатида жалб этишга вояга етмаган шахснинг фикрини олиш лозим бўлади.

Юқорида қайд этилган ҳолатларни эътиборга олган ҳолда, ЖПКнинг 549-моддасида қонуний вакил ўз ҳаракати билан вояга етмаган шахснинг манфаатига зарар етказди деб ҳисоблаш учун асос бўлса, суриштирувчининг, терговчининг қарори ёки суднинг ажрими билан вояга етмаганнинг қонуний вакили ишда қатнашишдан четлаштирилиши мумкинлиги белгиланган.

Қонуний вакилнинг вояга етмаган шахснинг манфаатига зарар етказиши мумкин бўлган ҳаракатлари тўғрисида адабиётларда турлича фикрлар илгари сурилган. Жумладан, С.В.Тетюев¹², В.Ю.Стрелмах¹³ қонуний вакил ўз ҳуқуқларини суиистеъмол қилиши, ўз мажбуриятларини, аввало, ота-оналик бурчини бажармаслиги, судга қадар иш юри тув босқичида ёки унга қадар вояга етмаган шахсга салбий таъсир кўрсатиши, исботлаш жараёнига тўсиқлар яратиши ва бошқа салбий ҳаракатларни унинг ишдан четлатилишига сабаб бўлувчи ҳаракатлар сифатида кўрсатган.

К.А.Авалиани қонуний вакилнинг бундай ҳаракатлари сирасига вакил вояга етмаган шахсга кўрсатмаларини ўз зарарига ўзгартириши, кўрсатма беришдан бош тортишга ундаш учун руҳий таъсир кўрсатиши; қонуний вакилнинг белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз ёки қисман муомалага лаёқатсиз деб топиллиши; ота-онанинг оилада ўз мажбуриятларини қасддан бажармаслиги; вояга етмаган шахсга нисбатан жиноят содир этиши кабиларни киритган¹⁴.

О.Л.Кузьмина қонуний вакилнинг муомалага лаёқатсизлиги; у томонидан ўзи вакиллик қилаётган вояга етмаган шахсга нохуш оқибатларни келтириб чиқариши мумкин бўлган ҳаракатларнинг содир этилиши; вояга етмаган шахсга нисбатан жиноят содир этиши ёки вояга етмаган шахс қонуний вакилга нисбатан жиноят содир этиши каби ҳолатларни қонуний вакилни ишдан четлатиш асослари сифатида қайд этган¹⁵.

Э.Д.Шайдуллина қонуний вакилнинг ишда иштироки вояга етмаган шахс манфаатларига зарар етказётганлигини аниқлашда суриштирувчи, терговчи ва суд вояга етмаган шахс ва қонуний вакил ўртасида ўзаро ишончга асосланган муносабатларнинг мавжудлиги, улар ўртасида жиноят иши иш юри тувига доир низо йўқлиги, шахсни қонуний вакил сифатида ишда қатнашиш имконияти ва хоҳиши мавжудлиги каби ҳолатларни инобатга олиши лозим¹⁶.

ЖПК ва бошқа қонун ҳамда қонуности ҳужжатларида қонуний вакилнинг вояга етмаган шахс манфаатларига зарар етказиши мумкин бўлган ва унинг ишдан четлатилиши учун асос бўла оладиган ҳаракатлари тавсифи берилмаган. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Вояга етмаганларнинг жиноятлари ҳақидаги ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида» 2000 йил 15 сентябрдаги 21-сонли қарорида ҳам мазкур масала юзасидан тушунтиришлар берилмаган. Бу эса, суриштирувчи, терговчи ҳамда суд қонунда белгиланган қонуний вакил ўз ҳаракати билан вояга етмаган шахснинг манфаатига зарар етказди деб ҳисоблаш учун асос бўлганда уни ишдан четлаштириш ваколатидан лозим даражада фойдаланмаётганлигига сабаб бўлмоқда.

Ўз вазифаларини лозим даражада бажармаётган қонуний вакилнинг ишдан четлатилиб, унинг ўрнига бошқа қонуний вакил ёки васийлик ва ҳомийлик органининг вакили жалб этилмаслиги вояга етмаган гумон қилинувчи ва айбланувчининг манфаатларига жиддий зиён етказиши мумкин. Бу каби ҳолатларнинг олдини олиш ҳамда юқорида қайд этилган ҳуқуқ нормасининг амалда ишлашини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Вояга етмаганларнинг жиноятлари ҳақидаги ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги қарорида қонуний вакилнинг қандай ҳаракатлари вояга етмаган шахсларнинг манфаатларига зарар етказиши мумкин бўлган ҳаракатлар сифатида баҳоланиши лозимлиги юзасидан тушунтириш беришни таклиф эта-

миз. Қонуний вакил мақомидан келиб чиқувчи мажбуриятларнинг, хусусан вояга етмаган шахсни тарбиялаш мажбуриятини бажармаслиги ёки ишда қонуний вакил сифатида иштирок этишдан бош тортиш, процессуал ва бошқа ҳуқуқларни суистеъмол қилиши, вояга етмаган шахсга салбий таъсир кўрсатиши, иш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатларни аниқлашга тўсқинлик қилиш каби ҳаракатларни шулар жумласига киритиш мумкин, деб ўйлаймиз.

Юқоридагилардан келиб чиқиб хулоса қилсак, суриштирув ва дастлабки тергов жа-

раёнида вояга етмаганларга нисбатан жиноят ишларида уларнинг ҳимоя ҳуқуқларини амалга оширилиши, яъни қонуний вакилнинг иштироки билан боғлиқ бўлган жараёнларнинг такомиллаштирилиши уларнинг қонуний манфаатларини янада самарали ҳимоя қилинишига олиб келади.

М. НОДИРОВ,
Тошкент давлат юридик
университети «Жиноят-процессуал
ҳуқуқи ва криминалистика»
кафедраси ўқитувчиси

¹ Степанова В.Г., Барахтина О.А. «К вопросу о гарантиях прав несовершеннолетних в уголовном судопроизводстве при производстве допроса» // Вестник Восточно-Сибирского института МВД России. 2016. № 3. (78). – С. 25.

² Образцов А.В. «Проблемы процессуального руководства расследованием преступлений, совершенных несовершеннолетними и в отношении несовершеннолетних» // МКА Закон и право. 2016. № 10. – С. 74.

³ Булыжкин А.В., Чаплыгина В.Н. «Особенности реализации процессуального статуса законного представителя несовершеннолетнего участника уголовного судопроизводства» // Вестник Восточно-Сибирского института МВД России. – 2019. - №2(89). – С.107.

⁴ Уголовно-процессуальный кодекс Республики Казахстан от 4 июля 2014 года № 231-V. // <http://online.zakon.kz>.

⁵ Уголовно-процессуальный кодекс Кыргызской Республики от 2 февраля 2017 года № 20. // <http://cbd.minjust.gov.kg>.

⁶ Уголовно-процессуальный кодекс Республики Молдова от 14 марта 2003 года № 122-XV. // <http://online.zakon.kz>

⁷ Пашаев О.З. «Участие законного представителя несовершеннолетнего в производстве следственных действий» // Закон и право. – 2016.- № 07. – С.123.

⁸ Мишенине А.А., Кирянина И.А. «Проблемы реализации прав и интересов законного представителя несовершеннолетнего подозреваемого и обвиняемого» // 2014. - №1. – С.53.

⁹ Цветкова Е.В. Доказывание в досудебном производстве по уголовным делам в отношении несовершеннолетних Дис. канд.юрид. наук. Владимир – 2014. – С. 57.

¹⁰ Николаев Р.К. Показания несовершеннолетнего обвиняемого в уголовном процессе: автореф. дис. ... канд. юрид. наук. М., – 2012. – С. 8.

¹¹ Корякина З.И. Обеспечение несовершеннолетнему подозреваемому и обвиняемому права на защиту в досудебном производстве по уголовному делу дисс. Кандидата юр.наук Якуск – 2019 – С. 167-168.

¹² Тетюев С.В. Допрос несовершеннолетнего обвиняемого в стадии предварительного расследования (процессуальный и криминалистический аспекты). – М.: Юрлитинформ, – 2010. – С. 81.

¹³ Стрелмах В.Ю. Обеспечение законных прав несовершеннолетних участников следственных действий // Вестник Воронежского института МВД России №3. – 2016. – С. 144.

¹⁴ Авиалани К.А. Особенности досудебного производства по уголовным делам в отношении несовершеннолетних. Дисс. ...канд. юрид наук. – Кемерово, – 2009. – С. 47.

¹⁵ Кузьмина О.Л. Производство расследования по уголовным делам в отношении несовершеннолетних. – Калининград: УОП Калининградского ЮИИ МВД России, – 2008. – С. 116.

¹⁶ Шайдуллина Э.В. «Вопросы участия законных представителей несовершеннолетних в уголовном судопроизводстве»// Вестник Казанского юридического института МВД России. – 2016. - № 4(26). – С.73.

СТАРТАПЛАР ФАОЛИЯТИНИ ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШ АСОСЛАРИ

Юриспруденцияда ижтимоий муносабатлар вужудга келар экан, мазкур муносабатларни тартибга солишга қаратилган манбалар ишлаб чиқилади ёки такомиллаштирилади. Стартаплар фаолиятига оид ҳуқуқий муносабатлар ҳам бундан мустасно эмас.

Стартаплар фаолияти мураккаб компонентлидир ва бу борадаги муносабатларни тартибга солувчи қоидалар фуқаролик ҳуқуқининг интеллектуал мулк ҳуқуқи, шартнома ҳуқуқи каби соҳалари асосида амалга оширилади.

Таъкидлаш лозимки, «стартап» тушунчаси инновацион ва фанга янги кириб келган феномен ҳисобланганлиги боис, мазкур фаолиятни бевосита тўлиқ қамраб оладиган ҳуқуқий ҳужжат мавжуд эмас. Табиийки, стартап низолари ҳали судларда кўриб чиқилган эмас.

Шу боис, Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, илғор давлатлар тажрибаси асосида «Стартап тўғрисида»ги Қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ¹.

Бугунги кунда стартаплар фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишда фуқаролик қонунчилигига, инновацион фаолият соҳасидаги ҳуқуқий ҳужжатларга, илмий қарашларга ва ишланмаларга мурожаат қилинади.

Стартаплар фаолиятини ташкилий ва ҳуқуқий йўналишларда тартибга солиш масаласида қонунчиликни икки туркумга ажратиш мумкин.

Стартапларнинг ташкилий масалаларини тартибга солувчи ҳуқуқ нормала-

ри. Ўзбекистонда инновацион фаолиятни тартибга солувчи қонунчилик ҳужжатларининг тизимли таҳлили мазкур соҳа мамлакатимиз мустақилликка эришган дастлабки йилларданок эволюцион ривожланиб келаётганлигини кўрсатади.

Юқори технологияларни ривожлантириш, илмий-технологик ва инновация тадбиркорлигининг барқарор ривожланишини таъминлаш, кичик инновация корхоналарини ташкил этиш, миллий ва хорижий бозорларда рақобатбардош, илмий-ҳажмдор маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ва етказиб беришни йўлга қўйиш учун қулай муҳит шакллантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5 июндаги «Тошкент шаҳрининг Яшнобод туманида инновация технопаркини ташкил қилиш тўғрисида»ги ПФ-5068-сонли Фармони қабул қилинди. Фармон билан «Яшнобод» технопарки илмий ишланмалар ва тадқиқотлар, саноат-тажриба синовларини ўтказиш ва инновация маҳсулотлари намуналарини ўзлаштириш бўйича кимё технологияси, биотехнология, фармацевтика ва тиббиёт биотехнологияси, ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари, материалшунослик, металлга ишлов бериш технологияси, зилзилабардошлилик, қурилиш материаллари, озиқ-овқат саноати, энергетик тежамкор, муқобил ва энергиянинг қайта тикланадиган манбаларини ишлаб чиқариш, электрон ўлчаш асбоблари, робототехника, машинасозлик, электротехника

каби йўналишларда ихтисослаштирилди ҳамда «Яшнобод» технопаркини ривожлантириш, инновация ишланмалари асосида стартаплар ташкил этиш учун қулай шарт-шароитлар яратишга кўмаклашиш чора-тадбирлари белгилаб берилди. Таъкидлаш жоизки, мазкур ҳуқуқий ҳужжат орқали «стартап» атамаси илк маротаба қонунчиликда қўлланила бошлади.

Жамият ва давлат ҳаётининг барча соҳалари шиддат билан ривожланаётгани ислохотларни мамлакатимизнинг жаҳон цивилизацияси етакчилари қаторига кириш йўлида тез ва сифатли илгарилашини таъминлайдиган замонавий инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологияларга асосланган ҳолда

амалга ошириш баробарида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрдаги «2019 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ-5544-сонли Фармони қабул қилинди. Мазкур ҳужжат билан Ўзбекистон Республикасининг 2030 йилга келиб Глобал инновацион индекс рейтинги бўйича жаҳоннинг 50 илғор мамлакати қаторига киришига эришишга қаратилган қатор вазифалар белгилаб берилди. Хусусан, мазкур вазифаларнинг бири – инфратузилма ва ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида стартап лойиҳалар учун технопарк ташкил этиш орқали мамлакатимизда

АННОТАЦИЯ

Мақолада стартаплар фаолиятини ташкилий, ҳуқуқий тартибга солувчи ҳуқуқий манбалар санаб ўтилди ва таҳлил қилинди. Мазкур таҳлиллар натижасида стартаплар фаолиятини тартибга солувчи қонун қабул қилиш таклиф этилди. Қолаверса, стартапларни инвестициялашда янги тушунчаларни қонунчиликка татбиқ этиш масалалари муҳокама қилинди.

Калим сўзлар: стартап, стартап-лойиҳа, инновация, венчур молиялаш, краудфандинг, краудинвестинг, юқори технология, ташкилий тусдаги ҳужжатлар, ҳуқуқий тусдаги ҳужжатлар.

* * *

В статье перечислены и проанализированы правовые источники, регулирующие деятельность стартапов. В результате этого анализа было предложено принять закон, регулирующий деятельность стартапов. Кроме того, обсуждено внедрение новых концепций в законодательство об инвестировании в стартапы.

Ключевые слова: стартап, стартап-проекты, инновация, венчурное финансирование, краудфандинг, краудинвестинг, высокие технологии, организационные документы, юридические документы.

* * *

The article lists and analyzes the legal sources regulating the activities of startups. As a result of this analysis, it was proposed to adopt a law on regulating activities of startups. Furthermore, the introduction and application of new concepts into legislation on investing startups was discussed.

Key words: startup, startup projects, innovation, venture financing, crowdfunding, crowdinvesting, high technology, organizational documents, legal document.

дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқиш тармоғини ривожлантиришдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 24 ноябрдаги «Тадбиркорлик ва инновациялар соҳасидаги лойиҳаларни молиялаштириш механизмларини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5583-сонли Фармони қабул қилинди. Мазкур ҳужжат орқали тадбиркорлик ва инновациялар соҳасидаги истиқболли лойиҳаларни молиялаштириш механизмларини самарали ривожлантириш мақсадида юқори технологияли тадбиркорлик лойиҳалари – стартапларни биргаликда молиялаштириш учун ташкил қилинадиган венчур фондлар, венчур фондлардан биргаликда молиялаштириладиган юқори технологияли лойиҳалар – стартапларни халқаро бозорга чиқариш тизимининг барқарор занжирини яратиш ва ривожлантириш вазифалари белгилаб берилди. Ушбу ҳужжат билан стартаплар ва бошқа инвестиция лойиҳаларини молиялаш мақсадида ташкил этиладиган «венчур фонди» тушунчаси моҳияти очиқ берилди. Хусусан, венчур фонди жамланган пул маблағларини фақатгина юқори хавфли венчур лойиҳаларига инвестиция қилиш учун мўлжалланган, бошқарув компанияси бошқарувидаги инвестиция компанияси ҳисобланади.

Бизнинг назаримизда венчур фонди тўғрисидаги таърифда «хавфли» сўзи ноўрин қўлланилган бўлиб, уни «таваккалчилик» сўзи билан алмаштириш мақсадга мувофиқ саналади. Зеро, таваккалчилик юридик маънода стартап, инвестиция лойиҳаларининг мазмунини акс эттиради.

Ҳозирги пайтга келиб стартап-лойиҳалар, стартаплар фаолиятини ташкил этиш, уларни венчур фондлари орқали инвестициялаш борасида Вазирлар Маҳкамасининг

2019 йил 15 июлдаги «Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик парки фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 589-сонли қарори муҳим саналади. Юртбошимизнинг мазкур «IT-парк» ҳақидаги фикри эътиборлидир: «Тошкент шаҳрида замонавий инфратузилмага эга бўлган «IT-парк» барпо этилмоқда. У ҳозирданок ўзининг дастлабки натижаларини бера бошлади. Бундай «IT-парк»лар Нукус, Бухоро, Наманган, Самарқанд, Гулистон ва Урганч шаҳарларида ҳам ташкил этилади»².

Норматив-ҳуқуқий ҳужжат дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик парки фаолиятини самарали ташкил этиш, юридик шахсларни унинг резидентлари сифатида рўйхатдан ўтказиш, солиқ ва божхона имтиёзларини қўллаш тартибини белгилаш, стартап-лойиҳаларни ҳар томонлама, шу жумладан, венчур молиялаштириш асосида қўллаб-қувватлаш мақсадини кўзлайди. Қарор билан дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик парки фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланган. Низомнинг умумий қоидаларга бағишланган қисмида «стартап-лойиҳа» ва «бизнес-режа» каби тушунчаларга таърифлар берилган. Масалан, бизнес режа бу – компания, товар, уни ишлаб чиқариш, кўрсатиладиган хизматлар, маҳсулот сотиладиган потенциал бозорлар, маркетинг стратегияси, операцияларни амалга оширишни ташкил этиш ва уларнинг самарадорлиги кўрсаткичлари тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган режа, компаниянинг ҳаракатлари, бизнес-операцияларни амалга ошириш дастури бўлса, стартап-лойиҳа – фойда олиш ноаниқ ва молиявий таваккалчилик юқори бўлган шароитларда дастурий маҳ-

сулотлар ва ахборот технологиялари соҳасида янги маҳсулот яратишни ёки хизматни жорий этишни кўзда тутувчи лойиҳа саналади. Қолаверса, мазкур қарор билан стартаплар фаолиятини амалга оширишда қўлланиладиган айрим терминлар мустақамланган:

– стартап-лойиҳани ривожлантириш мақсадида уни ўз билимлари ва тажрибаси билан қўллаб-қувватлайдиган маслаҳатчи – стартап ментори;

– менторлар ва бозор экспертлари ташкилий ва маслаҳат билан қўллаб-қувватлаган ҳолда тест синовидан ўтказиш ва бизнес-моделини ишлаб чиқиш йўли билан стартап-лойиҳаларни ривожлантиришга йўналтирилган таълимий-амалий дастур – акселерация дастури;

– стартап-лойиҳа ғояси шакллантириладиган ва ишлаб чиқиладиган таълимий-амалий дастур – инкубация дастури.

Шунингдек, қарор билан истиқболли стартап-лойиҳаларни кўриб чиқиш ва танлаб олиш тартиби, стартап-лойиҳаларни танлаб олиш ва баҳолаш мезонлари, истиқболли стартап-лойиҳаларни молиялаштириш тартиби бўйича умумий механизмлари белгилаб берилган.

Технопарк стартап-лойиҳаларни амалга оширишда, шу жумладан, венчур молиялаштириш асосида қўллаб-қувватлаш, ахборот технологиялари соҳасида бошловчи ва кичик корхоналарга инновацион фаолият натижаларида кўмаклашиш асосий йўналишдаги вазифалардан бири саналади. Истиқболли стартап-лойиҳаларни молиялаштириш Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобига, шунингдек қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбаларни жалб қилган ҳолда амалга оширилади.

Стартап-лойиҳаларни молиялаштириш Жамғарма томонидан пул маблағларини беғараз ажратиш йўли билан амалга оширилади.

Стартап-лойиҳани амалга ошириш учун зарур шароитларни яратиш Дирекция ва стартап-лойиҳа ташаббускори томонидан имзоланган шартномага асосан ишлаш учун хоналар ва ускуналар ажратиш, юқори тезликдаги Интернет билан таъминлаш ва бошқалар, консалтинг хизматлари кўрсатиш ёки юридик шахс – стартап-лойиҳа ташаббускори ҳисоб рақамига мақсадли пул маблағларини ўтказиш орқали амалга оширилади.

Стартап-лойиҳани молиялаштириш венчур молиялаштиришни ўз ичига олади, бунда Дирекция стартап-лойиҳа муассислари таркибига киради. Дирекция ҳиссаси, улушларни тақсимлаш тартиби Жамғарма, Дирекция ва стартап-лойиҳа ташаббускори ўртасида стартап-лойиҳани молиялаштириш ва қўллаб-қувватлаш шартлари тўғрисидаги шартномада белгиланади.

Қолаверса, мазкур соҳадаги ташкилий муносабатларни тартибга солишга қаратилган бир нечта ҳуқуқий ҳужжатлар мавжуд. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 майдаги «Фаол тадбиркорлик ва инновацион фаолиятни ривожлантириш учун шарт-шароитларни яратиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-3697-сонли Қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 15 майдаги «Навоий вилоятини инновацион, юқори технологияларга асосланган, экспортга йўналтирилган ва импорт ўрнини босадиган ишлаб чиқаришлар учун эркин иқтисодий зона сифатида белгилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5719-сонли Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017

йил 16 октябрдаги «Ёшлар тадбиркорлик кластерларини ташкил этишга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги 834-сонли қарори шулар жумласидандир.

Юқорида санаб ўтилган ҳуқуқий ҳужжатлар орқали стартаплар фаолиятидаги таваккалчилик ва уни бошқариш асослари, тартиби, улардаги шартномавий ҳуқуқий муносабатлар, стартапларни ташкил этиш билан боғлиқ ташкилий-ҳуқуқий муносабатлар ҳамда уларнинг фаолияти қатнашчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари аниқ қилиб белгилаб берилмаган. Мазкур муносабатлар эса, фуқаролик қонунчилигига ҳамда тегишли қонунларга мурожаат қилган ҳолда амалга оширилади.

Стартаплар фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишга қаратилган ҳуқуқий ҳужжатлар. Стартаплар фаолияти инновацион комплекс муносабат ҳисобланганлиги боис, уларнинг фаолияти билан боғлиқ бўлган ташкилий-ҳуқуқий, шартномавий ҳамда интеллектуал ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқий ҳужжатлар стартаплар фаолиятини ташкил этиш ва амалга оширишда ҳуқуқий манбалар саналади.

Стартапларнинг муваффақиятли йўлга қўйишдаги биринчи қадам – бу уларнинг мулкчилик шаклларини, яъни ташкилий-ҳуқуқий муносабатларини тўғри белгилашдир. Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига кўра, ҳар қандай тадбиркорлик фаолияти давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим. Стартаплар фаолияти ҳам ўзида тадбиркорлик фаолиятининг белгиларини ақс эттиргани сабабли, улар ҳам давлат рўйхатидан ўтказилиши зарур. Хусусан, Фуқаролик кодексининг 44-моддасида юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказиш, Ўзбекистон Республикасининг «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг

кафолатлари тўғрисида»ги Қонунининг 13-моддасида тадбиркорлик фаолияти субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш қоидалари белгиланган. Башарти, стартап ташкилий тузилма сифатида юридик шахс муайян тури шаклида амалга ошириладиган бўлса, у юқорида санаб ўтилган ҳуқуқ манбалари асосида давлат рўйхатидан ўтказилади. Таъкидлаш жоизки, стартаплар нафақат юридик шахс кўринишида, балки яқка тартибдаги тадбиркор сифатида ҳам ўз фаолиятини амалга ошириши мумкин. Д.Урганова стартап-лойиҳалар кичик, яқка тартибда стартаплар фаолиятини йўлга қўйиш мумкин бўлган лойиҳаларни реализация қилиш учун яқка тартибдаги тадбиркор сифатида ҳам давлат рўйхатидан ўтиши мумкинлигини билдиради³. Аммо, яқка тартибдаги стартапларда тасарруф этилиши мумкин бўлган ҳисса, қимматли қоғозлар ишлаб чиқариш ҳуқуқига эга эмаслиги, уларнинг молиялаш қийин эканлигидан далолат беради. Натижада, стартап билан инвестор тегишли фуқаролик-ҳуқуқий шартномалардан фақат қарз, ҳадя каби шартномаларни тузиши мумкин.

Стартаплар яқка тартибдаги тадбиркор сифатида «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонунининг 13-моддасида кўрсатилган тартиб ва асосларда давлат рўйхатидан ўтади. Хусусан, тадбиркорлик фаолияти субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш тегишли давлат органи томонидан «бир дарча» принципи бўйича ва қоида тариқасида, хабардор қилиш асосида, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Стартапларни давлат рўйхатидан ўтказишда Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 9 февралдаги 66-сонли қарори билан тасдиқланган Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғри-

сида низом асосий ҳуқуқий ҳужжатлардан бири саналади. Ушбу Низом юридик ва жисмоний шахсларни – тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби ва муддатларини белгилайди.

Инновацион фаолиятнинг бир кўриниши ҳисобланган стартаплар қандай ташкилий-ҳуқуқий шаклдаги юридик шахс кўринишида рўйхатдан ўтишига қараб уларнинг фаолиятини қатор қонун ҳужжатлари билан ҳам тартибга солиш назарда тутилади. Чунончи, «Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида»ги, «Хўжалик ширкатлари тўғрисида»ги ҳамда «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунлар ҳам стартаплар қайси ташкилий-ҳуқуқий шаклда вужудга келишига қараб ҳуқуқий манба саналади.

Умуман олганда, стартапларнинг ташкилий-ҳуқуқий шакли уларнинг келажакдаги солиқ муносабатларини, лойиҳага инвестор ва ҳамкорлар жалб қилиш усулларини, стартап эгасининг жавобгарлик чегараларини инобатга олган ҳолда танлаши керак.

Хулоса ўрнида таъкидлаш лозимки, Давлатимиз раҳбари қайд этганидек, мамлакатимизда стартаплар фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишга қаратилган «Стартаплар фаолияти тўғрисида»ги қонун лойиҳасини тезроқ ишлаб чиқиш зарур. Чунки, мазкур қонун мамлакатимизда стартаплар фаоли-

ятининг ҳуқуқий, ташкилий, инвестициялаш соҳасида муҳим қадам бўлади.

Қонун билан даставвал «стартап» тушунчаси ва унинг моҳиятини очиқ бериш лозим. Стартаплар борасида муайян изланишлар ва чет давлатлар тажрибасини ўрганган ҳолда, стартапга қуйидагича муаллифлик таърифи ишлаб чиқилди:

«Стартап – юқори таваккалчиликка асосланган инновацион тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи, моддий ва номоддий ресурсларга эга бўлган тузилма».

Мазкур соҳадаги илғор хорижий давлатлар тажрибасини ўрганган ҳолда қонун билан стартапларнинг вужудга келишидан бошлаб, тугатилиш жараёнигача бўлган муносабатлар аниқ, тушунарли ва тизимли тарзда баён қилиниши даркор.

Стартапларнинг тузилма сифатида қандай ташкилий-ҳуқуқий шаклларда ўзининг фаолиятини амалга ошириши бўйича қонунда алоҳида моддалар акс эттирилиши лозим.

Ғ. МАШКУРОВ,
Тошкент туманлараро
иқтисодий суди судьяси,
юридик фанлар номзоди,

А. ТОЖИБОЕВ,
Тошкент давлат юридик
университети ўқитувчиси

1. *Uza.uz // Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги ахборот-коммуникация технологиялари йўналишига оид фанларни чуқурлаштириб ўқитишига ихтисослаштирилган мактабдаги нутқи. Тошкент. 2019 йил 26 декабрь.*

2. *<http://uza.uz/oz/politics/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-oliy-25-01-2020> // Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. Тошкент. 2020 йил 24 январь.*

3. *Урганова Д.Б. Правовые аспекты организации стартапов в Республике Беларусь.*

ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИДА ИЧКИ МИГРАЦИЯНИ ТАЪМИНЛАШ АМАЛИЁТИ

Ҳозирда ички ишлар органларининг миграция жараёнларига доир фаолияти ҳам тубдан ислоҳ қилинмоқда. Бироқ, ички ишлар органларининг миграция жараёнларига доир фаолиятини самарали ташкил этишда айрим муаммо ва камчиликларнинг мавжудлиги бўлинмалар иш фаолиятига салбий таъсир кўрсатмоқда. Қолаверса, ижтимоий-социологик сўровларда қатнашган мутахассис ходимларнинг 55,6 фоизи ҳам мазкур омиллар мавжудлигини билдиргани тизимнинг бу борадаги ҳуқуқни қўллаш амалиётини янада такомиллаштириш зарурлигини кўрсатмоқда.

Мамлакатимизда ушбу муаммолар билан боғлиқ масалалар К.Ш.Арипов, Д.Н.Муйдинов, С.Ғ.Ишанходжаев ва Дж.Х.Юлдашев¹ каби ҳуқуқшунослар томонидан тадқиқ этилган. Бироқ, ички ишлар органларининг миграция жараёнларига доир фаолияти алоҳида ишнинг объекти сифатида ўрганилмаган. Ваҳоланки, ҳуқуқшунос В.А. Коробеев таъбири билан айтганда, миграция жараёнларини тадқиқ этиш ушбу фаолиятни амалга оширувчи субъектларнинг (international police) бу борадаги амалиётини ўрганиш билан боғлиқдир².

Мазкур ижтимоий-ҳуқуқий муносабатларни таъминлаш жараёнлари бевосита ички ишлар органларининг асосий фаолият йўналиши сифатида тартибга солиниши боис, дастлаб «ички ишлар органлари фаолияти», «ички миграция» ва «миграция жараёнларига доир фаолият» тушунчаларини тўғри изоҳлаш талаб этилади.

Айрим адабиётларда ички ишлар органлари фаолияти ички ишлар органлари ва унинг таркибий тузилмаларининг мамлакатда, унинг маъмурий-худудий birlikларида амалдаги қонун ҳужжатлари билан белгиланган ваколатлар доирасида фаолият йўналишларини амалга ошириш билан боғлиқ ижтимоий-ҳуқуқий муносабатлар эканлиги келтирилган³. «Ички миграция» тушунчаси эса, ички ҳудудлар ўртасидаги аҳолининг яшаш жойининг алмашинуви, деб таърифланган⁴.

Бироқ, ички миграциянинг ўзига хос ҳуқуқий жиҳатлари ҳамда шахснинг доимий яшаш жойида (прописка) туришида унинг таъсири мавжудлиги боис, мазкур таърифни тўлиқ деб бўлмайти. Шу нуқтаи назардан, бизнинг фикримизча, ички миграция Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаролари ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудуди доирасида яшаши ва иш жойини доимий, вақтинча (мавсумий) ўзгартириши натижасида юзага келувчи ижтимоий-ҳуқуқий жараёндир.

Демак, ички ишлар органларининг миграция жараёнларига доир фаолияти миграция соҳасидаги вазифа ва функциялар ижросини ташкилий-ҳуқуқий таъминлаш билан боғлиқ муносабатлардир. Айрим илмий адабиётларда ҳам ижро органларининг миграция соҳасидаги фаолияти «миграция функцияси», «миграция сиёсати» ва «миграция муносабатлари» билан изоҳланган⁵.

Бизнингча, ички ишлар органларининг миграция жараёнларига доир фаолияти ички ишлар органларининг ваколати доирасида фуқароларнинг эркин кўчиб юриши билан боғлиқ конституциявий ҳуқуқларини таъминлашда миграция жараёнлари ҳамда уларнинг бу борадаги меъёрий-ҳуқуқий нормаларга риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш соҳасидаги фаолиятидир.

Демак, ички ишлар органларининг миграция жараёнларига доир фаолиятининг мақсади миграцияни тартибга солиш борасида тизимга юклатилган вазифа ва функциялар ижросини самарали таъминлашдир. Шунингдек, Д.Н.Муйдинов таъкидлаганидек, миграцияни бутунлай тўхтатиш ёки олдини олиш имконияти бўлмаса-да, уни назорат қилиш ва тартибга солиш мумкин⁶. Бу жараённи таъминлашга доир фаолият эса, ички ишлар органлари зиммасига юклатилган.

Амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга кўра, ички ишлар органларининг бу соҳадаги фаолияти миграция ва фуқароликни расмийлаштириш, тезкор қидирув, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, транспортда хавфсизликни ҳамда хавфсиз туризмни таъминлаш бўлинмалари томонидан амалга оширилади.

Ички ишлар органларининг миграция жараёнларига доир амалиётини қуйидаги уч йирик йўналишга ажратиб ўрганиш ва таҳлил қилиш мақсадга мувофиқдир:

- 1) *ички миграцияни таъминлаш;*
- 2) *Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг хорижга чиқиши ва кириши қоидаларига риоя этишини таъминлаш;*
- 3) *чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасида бўлиши қоидаларига риоя этишини таъминлаш.*

Маълумки, ички миграция мамлакат аҳолиси кўпайишининг манбаи бўлган қишлоқдан шаҳарга ёхуд шаҳарлараро кўчиб ўтишни ўз ичига олувчи мураккаб жараёндир.

Юридик адабиётларда келтирилганидек, ички миграцияни тартибга солишда турли чекловлар қўлланилиши мамлакатда иммигрант (эмигрант)лар ҳаракатини самарали назорат қилишга имкон беради⁷.

Ички ишлар органларининг ички миграцияни тартибга солиш бўйича фаолияти ўз самарасини бериб келмоқда. Хусусан, республиканинг барча ҳудудларида текширилган (2016-2018 йиллар мобайнида ўртача 9,5 млн.га яқин) объектларнинг 69,3 фоизини ҳовлилар, 29,1 фоизини хонадонлар, 0,7 фоизини таълим муассасалари, 0,5 фоизини ташкилот, корхона ва муассасалар, 0,4 фоизини дала ҳовлилар, 0,2 фоизини ётоқхона ва 0,1 фоизини меҳмонхоналар ташкил қилган⁸. Кўришиб турибдики, ички миграцияни тартибга солишнинг асосий объекти ҳовли ва хонадонларда рўйхат (доимий прописка ва турган жойи бўйича ҳисобга олиш)га қўйиш билан боғлиқ масалалар бўлса, асосий субъекти Ўзбекистон фуқароларидир. Чунки, мазкур объектларда аниқланган жами қоидабузарликларнинг 96,6 фоизи Ўзбекистон фуқароларига, 2,4 фоизи хорижий фуқароларга ва 0,7 фоизи фуқаролиги бўлмаган шахсларга тўғри келади⁹.

Афсуски, ички ишлар органларидаги бу жараённи тартибга солиш амалиёти ҳам муаммо ва камчиликлардан холи эмас. Хусусан, фуқароларни турган жойи бўйича ҳисобга олиш, доимий рўйхатга олиш (прописка қилиш) ва ундан чиқариш механизмларини янада соддалаштиришга бўлган эҳтиёж яққол сезилиб турибди.

Ички миграцияни тартибга солиш соҳасидаги ҳуқуқни қўллаш амалиётидаги яна бир муаммо – фуқароларни доимий рўйхатга қўйиш ва рўйхатдан чиқариш (прописка)да талаб этиладиган ҳужжатлар рўйхати ҳамда тартиботининг мураккаблигидир.

Фикримизча, бу муаммоларни бартраф этишнинг самарали йўли фуқароларга бу борада хизмат кўрсатишнинг соддалаштирилган тартибини жорий этишдир.

Келгусида фуқароларни доимий рўйхатдан (прописка) чиқариш вазифаси-

нинг доимий рўйхатга (прописка) қўйилаётган туман, шаҳар ички ишлар органлари томонидан амалга оширилишини назарда тутувчи электрон бошқарув тизimini жорий этиш мақсадга мувофиқдир.

Б. ЭГАМБЕРДИЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Ички ишлар вазирлиги Академияси
«Жамоат тартиби ва хавфсизликни таъминлаш» кафедраси ўқитувчиси

¹ Арипов К.Ш. Мухожирларнинг халқаро-ҳуқуқий мақоми ва улар тўғрисидаги миллий қонунчиликни такомиллаштириши муаммолари: Юрид. фан. ном. ... дис. Т.: ЖИДУ, 2010. –175-б., Муйдинов Д.Н. Ҳозирги замон миграцион жараёнларининг жамият барқарорлигига таъсири (Германия Федератив Республикаси мисолида): Юрид. фан. бўйича фалс. док (PhD). ... Авто. реф. Т.: МУ, 2019. –46-б., Ишанходжаев С.А. Меҳнаткаш-мигрантлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг халқаро-ҳуқуқий масалалари: Юрид. фан. ном. ... дис. Т.: ЖИДУ, 2010. –175 б., Юлдашев Ж.Х. Ўзбекистон Республикаси паспорт тизимини такомиллаштиришнинг назарий-ҳуқуқий жиҳатлари: Юрид. фан. бўйича фалс. док (PhD). ... Авто. реф. Т.: ДБА, 2019. –32-б.

² Коробеев В.А. Конституционно-правовые основы миграционной политики: автореф. дис. ... канд. юрид. наук. Владивосток, 2008. – С. 21.

³ Ички ишлар органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш асослари / И. Исмаилов, Х.Т. Одиқориев, М. З. Зиёдуллаев [ва бошқ.] – Т., 2015. – 5-б. Ички ишлар органлари фаолияти. Дарслик / И.Исмаилов, М. З. Зиёдуллаев, Ж.С Мухторов, Б.И.Эгамбердиев [ва бошқ.] – Т., 2018. – 486-б., М.З. Зиёдуллаев. Ички ишлар органларининг таянч пунктларини бошқаришни такомиллаштириши: Монография. – Т., 2018. – 280-б.

⁴ И.Ю.Сизов. Правовые и организационные основы деятельности органов внутренних дел в реализации миграционной политики Российской Федерации: автореф. дис... канд. юрид. наук. М., 2004. – С. 22.

⁵ О.Т. Суюнчалиева. Конституционно-правовые основы деятельности федеральных органов исполнительной власти российской федерации в сфере миграции: канд. юрид. наук. ... дисс. М.: МВД РФ, 2015. – С. 259.

⁶ Муйдинов Д.Н. Ҳозирги замон миграцион жараёнларининг жамият барқарорлигига таъсири (Германия Федератив Республикаси мисолида): Юрид. фан. бўйича фалс. док (PhD). ... Авто. реф. Т.: МУ, 2019. – 46-б.

⁷ Денисенко М.Б., Фурса Е.В., Хараева О.А., Чудиновских О.С., Миграционная политика в зарубежных странах и Российской Федерации: опыт сравнительного анализа // монография: Москва: РФ, 2003. – С.18.

⁸ Ички ишлар вазирлиги миграция ва фуқароликни расмийлаштириши Бош бошқармасининг 2016–2019 йиллардаги фаолият натижалари бўйича статистик маълумотлар таҳлили (20.06.2019 йилдаги №38/1-272-сонли хат асосида).

⁹ Ички ишлар вазирлиги миграция ва фуқароликни расмийлаштириши Бош бошқармасининг 2018 йил 12 ойи фаолият натижалари бўйича статистик маълумотлар таҳлили (20.06.2019 йилдаги №38/1-272-сонли хат асосида).

ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ ҚАРЗДОРМИ?

Инсоннинг ўнлаб муҳим хислатлари мавжуд. Шулардан бири – ҳалолликдир. Инсоннинг яшаш тарзи, оила бошқаруви, дўстлар давраси, қисқаси, бугуни ва келажаги шунга боғлиқ. Энг ажабланарлиси, баъзилар қилаётган иши нотўғрилигини: на инсоний, на қонун мезонларига тўғри келмаслигини билса-да, шу ишни қилаверади. Заррача азият чекмайди, ҳатто юзи қизармайди. Афсуски, унинг қилган ишидан бошқалар азият чекади, жабр кўради.

Ҳалолликка яқин яна бир хислат бу – лафздир. Иккиси бир-бирини тўлдириб туради. Бекорга ҳалолликдан йироқ одамни лафзи йўқ деб маломат қилишмайди. Чунки, бундай шахс лафзида турмайди, яъни ваъда беради-ю бажармайди. Бир масъулиятни зиммасига олади-ю, лекин қилмайди. Бунинг устига ҳалол томонга тўхматлар қилиб, унинг обрўсини тўқади, йиллаб сарсон қилади. Энг ачинарлиси, ҳатто судга даъво қилиб, ўзининг ҳақлигини қонун йўли билан исботламоқчи бўлади айримлар. Билмайди-ки, қонун бу – тарози – яхшилик ва ёмонликни ўз паллаларида яққол кўрсатади-қўяди. Шахс ўзини ойнада кўргандек бўлади гўё.

Мисол сифатида «Зукко» нодавлат таълим муассасаси (кейинги ўринларда – жавобгар) ҳамда «Баҳром» хусусий корхонаси (кейинги ўринларда – даъвогар. Номлар ўзгартирилган) ўртасида тузилган пудрат шартномасига оид бир ишни кўришимиз мумкин. Шартноманинг 1-бандига кўра, буюртмачи, яъни жавобгарнинг топшириғига асосан пудратчи ўзининг ёки буюртмачининг материаллари билан ишларни бажариш, буюртмачи бажарилган ишларни қабул қилиш ва ҳақини тўлаш мажбуриятини олган. Шартноманинг умумий қиймати 2 миллиард сўмни ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 15 сентябрдаги «Нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3276-сонли ва 2018 йил 5 апрелдаги «Мактабгача таълим тизимини янада рағбатлантириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3651-сонли қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 25 июндаги «Мактабгача таълим соҳасида давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 475-сонли қарори ва Н. шаҳар ҳокимининг 2018 йил 9 мартдаги 65-сонли қарорига асосан давлат-хусусий шерикчилик асосида нодавлат таълим муассасаси куриш учун жавобгарга 4000,0 кв.м. ер участкаси ажратилган.

Шундан сўнг, Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги давлат томонидан шерик сифатида, хусусий шерик сифатида жавобгар ва Х. вилоят ҳокимлиги ўртасида давлат-хусусий шерикчилик тўғрисида битим тузилган.

Ушбу битимга асосан жами 15 077 245 000 сўм инвестиция жалб қилиниши, шундан қурилиш ишларига 8 252 245 000 сўм, жиҳозлаш ишларига 6 825 000 000 сўм инвестиция мажбуриятлари белгиланган.

Қурилиш учун Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки томонидан кредит шартномасига асосан 11 115 000 000 сўм миқдорида кредит маблағи ажратилган.

Даъвогар даъво аризасида тарафлар ўртасида тузилган шартномада белгиланган мажбуриятларни тўлиқ бажариб, жавобгарнинг қурилиш объектида жами 1 871 830 820 сўмлик қурилиш-монтаж ишларини бажарганлиги,

бу тарафлар ўртасида тузилган пудрат шартномаси, жавобгар томонидан тасдиқланган бажарилган ишлар далолатномаси ҳамда счёт-фактуралар билан ўз тасдиғини топганлиги, жавобгар бажарилган ишлар ҳақини қисман амалга ошириб, қолган 1 371 830 820 сўмлик иш ҳақини тўламасдан келмоқда деб ҳисоблаб, ундан 1 371 830 820 сўм асосий қарз ва 109 746 460 сўм пеня ундиришни сўраган.

Суд даъвогар томонидан даъво аризасида келтирилган 1 871 830 820 сўмлик бажарилган деб ҳисобланган ишлар ҳақиқатда бажарилганлиги далиллар асосида исботлаб берилмагани сабабли даъво аризасини қуйидагиларга асосан қаноатлантиришни рад этган.

«Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 7-моддасида тарафлар хўжалик шартномалари бўйича зиммаларига олинган мажбуриятларни ўз вақтида ва тегишли тартибда бажаришлари шартлиги қайд этилган.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси (ФК)нинг 631-моддасига асосан, пудрат шартномаси бўйича бир тараф (пудратчи) иккинчи тараф (буюртмачи)нинг топшириғига биноан маълум бир ишни бажариш ва унинг натижасини буюртмачига белгиланган муддатда топшириш мажбуриятини олади, буюртмачи эса иш натижасини қабул қилиб олиш ва бунинг учун ҳақ тўлаш мажбуриятини олади.

ФК 680-моддасининг биринчи қисмига кўра, пудратчидан қурилиш пудрати шартномаси бўйича бажарилган ишлар натижаси ёки, агар шартномада назарда тутилган бўлса, ишларнинг бажарилган босқичи топширишга тайёр эканлиги тўғрисида хабар олган буюртмачи дарҳол уни қабул қилиб олишга киришиши шарт.

Тарафлар ўртасида тузилган пудрат шартномаси бўйича пудратчи бажарилган ишлар топширишга тайёрлиги ҳақида буюртмачига хабар берилганлиги ҳақида даъвогар томо-

нидан судга ёзма далиллар келтирилмаган.

Шунингдек, ФК 680-моддасининг иккинчи қисмига кўра, агар қурилиш пудрати шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, буюртмачи ишлар натижасини қабул қилиб олишни ўз ҳисобидан ташкил этади ва амалга оширади. Қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда ишларни қабул қилиб олишда давлат органларининг ва фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг вакиллари иштирок этиши лозим.

Аммо, қурилиш объектида ишлар ҳақиқатда бажарилганлигини топшириш-қабул қилиш ишлари бевосита давлат органлари ва фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг вакиллари иштирокида қабул қилиб олинмаган.

Низоли бинога бориб қўрилганда 4-қаватда қурилиш ишлари олиб борилаётганлиги, яъни қурилиш ишлари ҳали тугалланмаганлиги аниқланган.

Мазкур бинонинг қурилиш ишларини қабул қилишда Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги, Х. вилоят ҳокимлиги вакиллари иштирок этмаган. Чунки, тақдим этилган ҳужжатларга асосан 400 ўринли нодавлат таълим муассасасини қуриш давлат-хусусий шерикчилик тўғрисидаги битимга асосан амалга оширилган бўлиб, ушбу битимнинг 6.1-бандига мувофиқ томонлар ўзлари зиммасига олган мажбуриятларни бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун қонун ҳужжатларига ва битим шартларига биноан жавобгар бўлиши белгиланган.

ФК 680-моддасининг бешинчи қисмига асосан қонунда ёки қурилиш пудрати шартномасида назарда тутилган ёки шартнома юзасидан бажариладиган ишнинг хусусиятидан келиб чиққан ҳолларда иш натижасини қабул қилиб олишдан олдин дастлабки синов ўтказилиши керак.

Бундай ҳолларда ишлар фақат дастлабки синов ижобий натижа бергандагина қабул қилиб олинishi мумкин.

Қонунда ёки қурилиш пудрати шартномасида иш натижасини қабул қилиб олишдан олдин дастлабки синов ўтказилиши кераклиги назарда тутилган бўлса ёки шартнома юзасидан бажариладиган ишнинг хусусиятидан бу келиб чиқса, ишлар натижасини топшириш ва қабул қилиш бундай синов ўтказилмасдан амалга оширилган бўлса, пудратчининг бажарилган ишлар қийматини ундириш тўғрисидаги талабини қаноатлантириш рад этилади. Бу ҳақда Олий ҳўжалик суди Пленумининг «Иқтисодий судлар томонидан қурилиш пудрати шартномасидан келиб чиқадиган низоларни ҳал этишда қонун ҳужжатларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида» 2016 йил 23 декабрдаги 306-сонли қарорининг 9-бандида тушунтириш берилган.

Даъвогар томонидан шартномага асосан бажарилган ишлар далолатномалари расмийлаштирилишидан олдин, яъни бажарилган ишлар натижасини пудратчидан буюртмачи қабул қилиб олишида дастлабки синов ўтказилмаган. Чунки, қуриладиган замонавий мактабгача таълим муассасаси республика аҳамиятига молик объект ҳисобланиб, у шаҳарсозлик қоидаларига тўлиқ жавоб бериши лозим.

Ўтказилган сайёр суд мажлиси муҳокама-сида қурилиш ишлари тугалланмаганлиги, даъвогар томонидан судга тақдим этилган ишлар бажарилганлиги ҳақидаги далолатномада 5 484 700 843 сўмлик бажарилганлиги кўрсатилган ишлар аслида бажарилмаганлиги, лойиҳа-смета ҳужжатларида назарда тутилган бассейн ва спорт зал даъвогар томонидан қурилмаганлиги аниқланган.

Пудрат шартномаси бўйича қурилиш объектининг дастлабки икки қаватини даъвогар қурганлиги ҳолати бўйича далиллар тақдим этиш сўралганда, даъвогар томонидан «Тараққиёт» МЧЖ билан тузилган шартнома тақдим этилган. Бироқ, ушбу шартномага кўра, даъвогар томонидан 209 000 000 сўм жавобгар томонидан олдиндан тўлов сифатида тўланган пул маблағи

бошқа мақсадлар учун, яъни сантехника хизматлари учун ўтказиб берилган.

Тарафлар ўртасида тузилган пудрат шартномаси бўйича қуриладиган мактабгача таълим муассасасида эса, қурилиш ишлари тугалланмаганлиги учун сантехника ишларини бажариш эрта эканлиги аниқланди. Бундан кўриниб турибдики, 209 000 000 сўм пул маблағи бошқа мақсадларда ишлатилган.

Бундан ташқари, даъвогар томонидан қурилишда неча нафар ишчи ишлаганлиги, ишчилар билан тузилган меҳнат шартномалари, буйруқлари ва ишчиларга ойлик маошлари тўланганлиги, уларнинг кунлик овқатланиш харажатлари ҳақидаги маълумотлар тақдим этилмаган.

Жавобгар раҳбарининг судга тақдим этган ҳужжатларидан пудрат шартномаси бўйича қурилишда ишлаган ишчиларга уларнинг ишлаган ҳақларини, ётоқ жойлари пуллари ва ҳамда озик-овқат пуллари доимий равишда ўзи бериб келганлиги аниқланган.

Суд даъвогар вакилининг жавобгар шартноманинг 3.1-бандига кўра, 15 фоиз олдиндан тўлов қилмаганлиги ҳақидаги важи билан келишмаган. Чунки, шартноманинг ушбу бандида 15 фоиз олдиндан тўлов қачон амалга оширилиши белгиланмаган.

Қолаверса, жавобгар томонидан даъвогарнинг ҳисоб рақамига 300 000 000 сўм аванс пули тўлаб берилган. Аммо, ушбу аванс тўловлари даъвогар томонидан қурилиш учун техника жалб қилиш ишларига ишлатилганлиги ҳақидаги важлар ўз тасдиғини топмаган.

Тарафлар ўртасида тузилган пудрат шартномасида даъвогар номидан директорнинг ўрнига бошқа шахс имзо қўйганлиги аниқланди.

Бундай тарзда тузиладиган битимлар ФКнинг 116-моддасига мувофиқ ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмаган битим ҳисобланади.

Даъвогар пудрат шартномаси бўйича жами 1 871 830 820 сўмлик бажарилган деб ҳисобланган ишларнинг ҳақиқатда бажарилганлигини далиллар асосида тасдиқлаб бера ол-

маган. ФКнинг 333-моддасига кўра, қарздор мажбуриятни лозим даражада бажариш учун ўзига боғлиқ бўлган ҳамма чораларни кўрганлигини исботласа, у айбсиз деб топилади.

Жавобгар мазкур қурилишни амалга ошириш учун юридик шахслар билан шартномалар тузиб, қурилиш материаллари сотиб олганлигини тасдиқловчи шартномаларни, ҳисоб-китобларни ва юк хатларини судга тақдим этган. Шунингдек, хизмат кўрсатувчи банк томонидан ушбу шартномаларга ўтказилган банк айланмасини, ишчи-ҳодимларнинг тузган далолатномаларини тақдим этиб, қурилиш бошланишидан бугунги кунга қадар барча қурилиш ишларининг ўзи томонидан олиб борилаётганлигини далиллар асосида исботлаб берган.

Қурилишда ишлаётган ишчилар томонидан 2020 йил 25 январда тузилган далолатномада кредит маблағи ҳисобидан бино пойдеворини қуриш ишларидан бошлаб, ишчиларнинг ҳақлари, озиқ-овқатлари ҳамда қурилиш учун керакли асбоб-ускуналар, ётоқ жойлар ва қурилиш моллари жавобгар томонидан етказилиб берилаётганлиги, барча ишлар унинг маблағи ҳисобидан бажарилганлиги кўрсатилган.

Суд тарафлар ўртасида шартнома тузилган бўлса-да, ҳақиқатда ишлар даъвогар томонидан бажарилмаган деб ҳисоблади ва судга тақдим этилган бажарилган ишлар далолатномалари бўйича даъвогар ўзининг бажарган ишларини далиллар асосида исботлаб бермади деган тўхтамга келди.

Зеро, Иқтисодий процессуал кодексининг 68-моддасига кўра, ишда иштирок этувчи ҳар бир шахс ўз талаблари ва эътирозларига асос қилиб келтираётган ҳолатларни исботлаши керак.

Шунга кўра, суд даъвогарнинг жавобгардан 1 371 830 820 сўм асосий қарз ундириш талабини қаноатлантиришни рад қилишни лозим топди.

ФК 263-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ неустойка тўлаш тарафларнинг ке-

лишувида назарда тутилган ёки тутилмаганлигидан қатъи назар, кредитор қонунда белгиланган неустойка (қонуний неустойка)ни тўлашни талаб қилишга ҳақли.

Олий ҳўжалик суди Пленумининг «Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик юридувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонунини хўжалик судлари амалиётида қўллашнинг айрим масалалари ҳақида» 2002 йил 4 мартдаги 103-сонли қарорининг 10-бандига биноан умумий қоидага кўра, қонун ҳужжатлари ва шартномада бошқача тартибда жавобгарлик назарда тутилмаган бўлса, шартнома шартларини бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик (шартнома интизомини бузганлик) учун Қонуннинг 25–32-моддаларига асосан жавобгарлик қўлланилади. Агар хўжалик шартномасида шартнома интизомини бузиш билан боғлиқ ҳолатлар учун жавобгарлик белгиланган бўлса, тарафларнинг жавобгарлиги шартномага асосан қўлланилади.

Шартноманинг 6.1-бандига асосан даъвогар 109 746 460 сўм пеня ундиришни сўраган.

ФКнинг 260-моддасида қонун ҳужжатлари ёки шартнома билан белгиланган, қарздор мажбуриятни бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда кредиторга тўлаши шарт бўлган пул суммаси неустойка ҳисобланади ва неустойка билан фақат ҳақиқий талаб таъминланиши белгиланган.

Суд даъво аризасининг асосий қарздорликни ундириш қисмини асоссиз ҳисоблаб, уни қаноатлантиришни рад этганлиги боис, ФКнинг 260-моддаси талабларидан келиб чиқиб, даъвогарнинг жавобгардан пеня ундириш талабини ҳам рад қилишни лозим топди.

Хулоса қилиб айтганда, ҳалол ишламаган, ўз лафзида турмаган одам эртами-кечми барибир ютқзади. Юқоридаги мисол бунинг ёрқин далилидир.

К. ХАЛМУХАМЕДОВ,
Зангиота туманлараро
иқтисодий суди раиси

БАНКРОТЛИК: ХОРИЖИЙ АМАЛИЁТ ВА МИЛЛИЙ ТАЖРИБА

«Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг тарихи шуни кўрсатадики, у дастлаб кредиторларнинг мол-мулкани сотиш ва тенг тақсимлаш мақсадида кредиторларнинг жамоавий ҳаракатларини бирлаштириш йўналиши бўйича ишлаб чиқилган. Давлатлар иқтисодий ривожланиши банкротлик тўғрисидаги қонунчилик олдига қарздор корхона ходимларини ижтимоий ҳимоя қилиш муаммоларини самарали ҳал қилиш, шунингдек кучли молиявий-саноат комплексларининг тўлиқ тугатилишини назарда тутмайдиган қайта ташкил этиш масалаларини ечиш каби вазифаларни юклайди. Сўнгги йилларда иқтисодий жиҳатдан ривожланган мамлакатларнинг қонун чиқарувчилари ўз қонунчиликларидаги ислохотларни олиб боришда ушбу йўналишда ҳаракат қилмоқда.

Тўловга қодир бўлмаган хўжалик юритувчи субъектларнинг банкротлик механизмини шакллантириш Ўзбекистон иқтисодиёти ривожланишининг муҳим шартларидан бири ҳисобланади. Ушбу механизм ёрдамида самарасиз бўлган мулкдорларни алмаштириш, корхоналарни тугатиш, ижтимоий муҳим аҳамият касб этадиган ва даромад келтирадиган корхоналарни сақлаб қолиш, мулкчилик муносабатларининг барқарорлигини таъминлаш ҳамда иш билан бандликни кафолатлаш мақсади назарда тутилган.

АҚШнинг «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуни энг илғор ва кенг қамровли қонунлардан бири ҳисобланади. Аммо, унга ҳам ўзгартиш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Шундай қилиб, 2005 йил апрель ойида

АҚШ Президенти кредиторлар ва ходимларнинг манфаатларини самарали ҳимоя қилишга қаратилган «Банкротлик тўғрисида»ги янги Қонунни имзолади. Хусусан, ушбу Қонун банкротликнинг оммавий тарзда амалга оширилиши, тикланиш тартиблари, қарздор корхонани тугатиш тартиби, унинг молиявий тикланишига имкон бермайдиган объектив маълумотлар мавжуд бўлган тақдирда ушбу ҳолатларнинг барчасини олдини олиш ва учинчи шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини самарали ҳимоя қилишга қаратилган.

Банкротлик жараёнларининг қиёсий-ҳуқуқий таҳлилини ўтказиш учун АҚШ қонунларининг танланиши, унинг анъанавий равишда «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг «доимий» тизимига эга мамлакат сифатида таснифланганлиги билан боғлиқ. Бундан ташқари, халқаро ҳамжамият трансчегаравий тўловга лаёқатсизлик тўғрисидаги махсус конвенцияларни қабул қилиш тарафдори бўлиб, унга аъзо давлатлардан банкротлик (иқтисодий ночорлик) тўғрисида илғор қонунларни яратишни талаб қилади.

АҚШда қайта ташкил этиш (банкротлик)нинг умумий тамойиллари. Банкротлик ва қарздорнинг молиявий ҳолатини тиклаш АҚШда XX асрнинг иккинчи ярмида яқунланганига қарамай, банкротликни суд орқали тартибга солиш ғояси узоқ вақтдан бери мавжуд. Институтни тартибга солишга оид биринчи қоидалар XVIII асрда пайдо бўлган. Шундай қилиб, 1787 йил сентябрда АҚШ Конституциявий Конвенцияси Конгрессга кредиторлар ва қарздорлар ўртасидаги низоларни ҳал қилиш учун

ягона миллий қонунчилик базасини ташкил этадиган қонун ҳужжатларини қабул қилиш, яъни қонунчилик ҳуқуқини берди.

АҚШ Конституцияси 1-моддасининг 8-бўлимида Конгрессга АҚШда қарздорларнинг иқтисодий ҳолатини тиклаш, қарзларни суд тартибида ҳал қилиш ва мулкни тугатиш бўйича ягона қонунчиликни ташкил этувчи федерал қонунларни қабул қилиш мутлақ ҳуқуқи берилган.

Америка қонунлари ўз фаолияти предметиға масъулият билан ёндашадиган инсофли юридик ва жисмоний шахсларга кредиторларнинг талаблар кўринишидаги даъволаридан озод қилиниш ҳуқуқини беради. Одатда, бу молиявий қайта ташкил этиш билан параллель равишда содир бўлади. Банкротлик иши суднинг иш юритувида бўлганида, агар қонун ҳужжатларида ёки судда бундай аралашинишга йўл қўйилмаса, кредиторларга қайта ташкил этиш ва банкротлик жараёнига аралашиниш ёки қарзни ундиришга уриниш тақиқланади.

Қайта ташкил этиш пайтида ёки банкротлик эълон қилинганидан кейин қарздор олган имтиёзлар эвазига суд ва кредиторларга қарздорнинг молиявий ҳолати ва унинг аввалги фаолияти билан боғлиқ барча ҳужжатлар тақдим этилиши керак. Тақдим этилган материалларда қарздорнинг барча активлари, жорий ва амалга оширилган тижорат операциялари (саноат ва молиявий) тўғрисидаги маълумотлар бўлиши керак. Бундай маълумотларни тақдим этиш талаби нафақат кредиторларнинг манфаатларига, балки бутун механизмнинг ишлашига хизмат қилади.

Қарздор муҳим чекловларга дуч келади. Масалан, корхона кетма-кет қайта ташкил этиш/банкротлик тўғрисида ариза бера олмайди. Шунингдек, бундай аризалар жуда тез-тез топширилиши мумкин эмас (олти йил ичида биттадан кўп эмас). Бундан ташқари, қонунда корхона бошқарувида

қўпол қонунбузарликларга йўл қўйган ёки қарздор молиявий ҳужжатларни сохталаштиришга ёки судни алдашга уринган бўлса, қарздорни қарздорликлардан озод қилиш кўзда тутилмаган.

Баъзи ҳолларда суд қарздорнинг мол-мулкни назорат қиладиган ҳакамлик суди менежерини тайинлайди. Агар керак бўлса, у мутаносиблик тамойилига амал қилиб, ушбу мол-мулкни сотишдан тушган маблағларни кредиторлар ўртасида тақсимлайди. Бу бир нечта кредиторларнинг талабларини объектив равишда қондириш имконини беради, чунки, одатда, қайта ташкил этиш ёки банкротлик эълон қилинганда бу жараён кўплаб шахслар манфаатларига таъсир қилади. Бундан ташқари, давом этаётган барча тадбирларга тизимли ёндашинишга эришилади.

Банкротлик институти Ўзбекистон қонунчилик тизимида ўзининг ҳуқуқий асосига 1994 йил 5 майда қабул қилинган «Банкротлик тўғрисида»ги Қонун орқали эга бўлди. Бу Қонун 35 моддадан иборат бўлиб, банкротлик ҳолатида вужудга келадиган барча муаммоларни тартибга солмас эди. Шу сабабли, Вазирлар Маҳкамаси томонидан 1995 йил 17 июлда «Банкротлик тўғрисида»ги Қонунни амалга киритиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарор қабул қилиниб, унга мувофиқ зарар билан ишләётган корхоналарнинг хўжалик-молиявий фаолиятини кўриб чиқиш бўйича Ҳукумат комиссияси тузилди.

Банкротлик масалалари юзасидан давлат назоратини таъминлаш мақсадида 1996 йил 11 декабрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Корхоналарнинг банкротлиги тўғрисидаги қонунни амалда қўллаш чора-тадбирлари ҳақида»ги Фармони эълон қилинди ва иқтисодий ночор корхоналар ишлари бўйича Қўмита тузилди. 1998 йил 28 августга келиб «Банкротлик тўғрисида»ги Қонунга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди ҳамда янги тахрирдаги «Бан-

кротлик тўғрисида»ги Қонун эълон қилинди. Эски таҳрирдан фарқли равишда янги Қонун кўплаб моддалар билан бойитилди (эски таҳрирда 35 та модда, янги таҳрирда 133 та модда), айрим турдаги қарздорларнинг банкротлик тўғрисидаги ишларини кўришни тўлиқ тартибга солди, янги таомил сифатида ташқи бошқарув қўшилди ва бу ўз ўрнида кредиторларнинг ҳуқуқларини кенгайттирди. Энг муҳими, янги таҳрирдаги Қонунда банкротлик аломатлари ўзгартирилди, яъни тўловсизлик аломатидан тўловга қодир бўлмаган аломатига ўтилди.

Банкротликка оид ишларнинг кўпайиши ҳамда доимий суд амалиёти таҳлили банкротлик муносабатларини ҳуқуқий тартибга солишдаги камчиликлар ҳамда қонундаги айрим бўшлиқларни кўрсатади. Банкротлик тўғрисидаги қонунчиликдаги камчиликларни бартараф этиш мақсадида иккинчи таҳрирдаги «Банкротлик тўғрисида»ги Қонунга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиб, 2003 йил 24 апрелда Қонун янги (учинчи) таҳрирда эълон қилинди. Ушбу Қонун 192 моддадан иборат бўлиб, банкротлик белгилари ва таомилларига тегишли бўлган, тўловга қодир бўлмаган қарздорларнинг тўлов қобилиятини тиклашни мақсад қилиб қўйган кўплаб янги қоидаларни ўзида мужассамлаштирди. Қонунга иккита янги боб киритилди ва улар янги банкротлик таомилларини ўзида ифода этди: кузатув ва суд санацияси. Барча банкротлик таомиллари суд бошқарувчилари томонидан амалга оширилади. Суд бошқарувчилари иқтисодий суд томонидан тайинланади ва назорат қилинади. Қонуннинг янги таҳрирда қабул қилиниши банкротлик тўғрисидаги қонунчиликнинг амалда қўлланишини кенгайттирди.

Банкротлик тўғрисидаги ишларни ўрганиш шуни кўрсатадики, корхона раҳбарлари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ходимлари ҳамда суд бошқарувчилари банкротликнинг муҳим белгилари ва ту-

шунчалари ҳақидаги, суд бошқарувчилари ҳуқуқий мақоми, таомиллар ва айрим турдаги қарздорларнинг банкротлиги тўғрисидаги билим даражалари ва тажрибаларининг ўсиб бориши ижобий натижадир.

АҚШ амалиётида банкротлик жараёни иштирокчиларининг ҳуқуқий мақоми тўғрисидаги умумий тамойиллар мавжуд бўлиб, «Банкротлик тўғрисида»ги Қонун ва Федерал Банкротлик кодексининг қоидаларини ҳисобга олган ҳолда, процедуранинг қуйидаги принципларини олиш мумкин.

1. Кодекс ва Қонун кредиторларнинг ҳамда қарздорларнинг индивидуал, корпоратив ва ўзаро шериклик манфаатларини максимал даражада қондиришга қаратилганлиги сабабли, процедураларнинг ҳар хил турларидан фойдаланиш мумкин.

2. Қайта ташкил этиш ёки банкротлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқишда қарздор молиявий мажбуриятларни бажариши шарт эмас. Бирок, қарздорни барча молиявий мажбуриятлардан мутлақо озод қилиш жамоат манфаатларига зид келади. Шундай қилиб, қонун ҳужжатларида қарздор озод қилинмайдиган қарз турлари белгиланади.

Бу гуруҳ қуйидагилардан иборат:

а) солиқларнинг катта қисми - федерал, штат ва маҳаллий солиқлар;

б) ўғирлик ёки талон-торож қилиш натижасида қарздор томонидан олинган даромадлар;

в) ноқонуний хатти-ҳаракатлар натижасида пайдо бўлган қарзлар.

Юқорида қайд қилинган қарзлар қайта ташкил этиш пайтида Федерал Банкротлик ишлари бўйича судларга хабар бериш билан ҳамда қарздорнинг бошқа барча мол-мулки кредиторларнинг талабларидан ҳимоя қилинган ҳолда корхонадан унинг руҳсатисиз ундириб олинади. Агар қарздорнинг ҳуқуқбузарлиги натижасида олинган кредитлар бўйича мажбуриятлари бўлса, суд қарздорга кредиторларнинг қарздорлик-

ларни ундириш юзасидан ҳаракатларини тўхтатиб туриш ҳақидаги илтимосномасини рад қилиши мумкин.

3. Корхонанинг қарзларини тўлашдан озод қилиш қуйидаги ҳолларда рад қилинади:

а) ўз мол-мулкни кредиторлардан ёки суддан яшириш ёки бегоналаштириш;

б) кредиторлардан ва суддан яширилган ёки молиявий ҳужжатларни йўқ қилиш;

в) қайта ташкил этиш/банкротлик тўғрисида ариза бериш пайтида судга нотўғри маълумотлар тақдим этиш;

д) суд ёки ҳакамлик судининг буйруғи билан ҳужжатлар ёки мол-мулкни қасддан олиб қўйиш;

е) суд қарорларини бажара олмаслик ёки истамаганлик;

ё) қайта ташкил этиш/банкротлик тўғрисида ариза берган ва ўтган 6 йил давомида қарзлардан озод қилинган бўлса.

4. Агар суд тегишли қарор чиқарган бўлса, корхона ўзига тайинланган ҳакамлик суди менежерига унинг барча мол-мулкни тасарруф этиш ҳуқуқини топширишга мажбурдир. Бундай ҳолда ҳакамлик суди менежери корхонани бошқаради ва корхона тугатилган тақдирда унинг мол-мулкнинг тақсимланиши ёки мол-мулкни кредиторлар ўртасида сотишдан тушган даромад учун жавобгар бўлади.

5. Агар қарздор мол-мулкни яширишга ёки шерикларига ёхуд унинг оила аъзоларига топширишга ҳаракат қилса, ҳакамлик суди менежери ушбу мол-мулкнинг қайтарилишини талаб қилиши мумкин. Ушбу мулк топширилган шахсларга қарши федерал юрисдикция судида даъво аризаси билан мурожаат қилиши мумкин. Шунингдек, банкротлик ишлари бўйича судлар ҳам мол-мулкни қайтаришни талаб қилиши мумкин. Қайтарилган мол-мулк яна банкротлик мулкига киритилади ва у кредиторлар ўртасида тақсимланиши мумкин.

6. Агар корхона давлат олдида қарздор

бўлса (масалан, солиқ бўйича қарздорлик ёки кредит юзасидан қарз мажбуриятлари бўлса), ишни кўриб чиқаётган суд бошқа кредиторлар билан бир қаторда давлат органига қарзларни ундиришга бўлган уринишлардан тийилиб туришни талаб қилиши мумкин. Агар суд давлат олдидаги қарзни тўлашга рухсат этса, иккинчиси қарздорнинг мол-мулкни бошқа кредиторлар билан тенг равишда тақсимлашда қатнашади. Суд қарздорнинг барча кредиторлари каби, давлат органларини тўловни қарздорнинг шартлари бўйича қабул қилишга мажбур қилади.

7. Қарзни ундиришдан суд ҳимояси қарздорнинг ихтиёрий аризаси асосида ҳам, кредиторлар томонидан талаблар юзага келган тақдирда ҳам таъминланиши мумкин. АҚШда қайта ташкил этиш/банкротлик жараёнининг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, кредитор ҳам, қарздор ҳам суд жараёнидан фойда кўришлари мумкин, чунки иш суд томонидан бир вақтнинг ўзиде ёки бир тараф ёхуд иккала тарафдан келиб тушган ариза юзасидан кўриб чиқилиши мумкин.

8. АҚШда қайта ташкил этиш/банкротликнинг халқаро тартиби бўлмаса ҳам, судлар қарздорлар ва кредиторларга қарзларни тўлаш ва ссудаларни таъминлаш масаласида мурасага келишни, уни махсус келишувда қайд этишни тавсия этадилар. Компромисс ҳам қарздор, ҳам кредиторларнинг манфаатларига тенг равишда хизмат қилади.

«Банкротлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни кредиторларнинг мулкий талабларини ҳимоя қилиш билан бир қаторда банкротлик ва корхоналарни тугатишнинг олдини олишнинг ҳуқуқий кафолатларини яратишга қаратилган, яъни Қонуннинг асосий мақсади – кредиторларнинг мулкий талабларини ҳимоя қилиш, ундан ташқари, қарздорга ўзини тиклаб олишга имконият беришдан иборатдир.

«Банкротлик тўғрисида»ги Қонун банкрот деб топиш ва ночор иқтисодий субъектларни тугатиш билан боғлиқ кўп томонлама муносабатларни тартибга солади.

Миллий қонунчилигимизга кўра, кредиторлар манфаатини ифода этиш кредиторлар йиғилиши (қўмитаси)нинг вакили зиммасида бўлиб, у тегишлича кредиторлар йиғилиши ёки қўмитаси томонидан қонунда назарда тутилган ҳолларда банкротлик тўғрисидаги ишнинг иштирокчиси сифатида иқтисодий суд мажлисла-рида иштирок этишга ваколат берилган жисмоний шахс ҳисобланади. Мазкур вакилнинг киритилишига кредиторлар ва суд бошқарувчиси ўртасида юзага келадиган келишмовчиликлар ҳам сабаб бўлган. Банкротлик тўғрисидаги ишда кредиторлар йиғилиши (қўмитаси) барча кредиторларнинг манфаатларини ифода этади ва кредиторлар номидан қарздорга нисбатан барча ҳаракатларни амалга оши-ради (Қонун 10-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмлари), кредиторлар йиғили-ши (қўмитаси) шунга қарамай у жамоани ифода этади, шунинг учун суд мажлиси ёки бошқа ҳолатларда барча кредитор-ларнинг манфаатларини ҳимоя қиладиган алоҳида шахсга эҳтиёж туғилади. Кредиторлар йиғилиши (қўмитаси)нинг вакили кредиторлар йиғилиши томонидан сайла-нади ва кредиторлар йиғилишининг қа-рори асосида кредиторлар манфаатлари юзасидан фаолият олиб боради.

Кредиторлар йиғилишининг вакили банкротлик тўғрисидаги ишда ишти-рок этиш ҳуқуқига эга, масалан, Қо-нун 36-моддасининг иккинчи қисмида, 77-моддасининг учинчи қисмида, 79-мод-дасининг учинчи қисмида, 88-моддаси-нинг биринчи қисмида, 147-моддасида назарда тутилган ҳолатларда у креди-торлар йиғилиши (қўмитаси) иродасини амалга оширишга қаратилган ҳаракатлар-

ни амалга оширади.

Мазкур ҳолатда кредиторлар йиғилиши-нинг вакили ва кредиторлар қўмитасининг вакили ажратилмаган ҳолда кўрсатилган. Кредиторлар қўмитаси кредиторлар йиғи-лиши томонидан танланган аъзолардан ташкил топади ва унинг вакили банкротлик тўғрисидаги ишда иштирок этувчи шахс сифатида қатнашиши, кредиторлар йиғили-шининг ўрнига барча кредиторлар манфа-атлари йўлида кредиторлар йиғилишининг мутлақ ваколатидаги ҳаракатлар (Қонун 10-моддасининг учинчи қисми)дан ташқа-ри барча ҳаракатларни амалга ошириши мумкин.

АҚШнинг «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуни (аксарият ҳолларда) ўзини тўлов-га лаёқатсиз деб эълон қилган юридик ва жисмоний шахсларга қарзларнинг кўп қисмидан озод бўлиш имкониятини беради ва ўз фаолияти билан жиддий шуғуллана-ётган корхоналарга жараённи қайта таш-кил этиш ва шу билан молиявий имкони-ятларни тиклаш шароитини яратиб беради. Америкалик юристлар ва ишбилармонлар тўловга қодир бўлмаган институтнинг мав-жудлиги бозор рақобат тизими учун «хавф-сизлик тармоғи» ва эркин тадбиркор учун «хаёт чизиғи» бўлиб хизмат қилади деган фикрга қўшиладилар.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, қайта ташкил этиш/банкротликни қонуний жиҳатдан бирлаштириш фаровонликни тиклаш ва «янги бошланиш» имкониятини беради. Виждонан иш олиб борувчи юри-дик ва жисмоний шахслар молиявий фаро-вонликка эришишлари, иқтисодий жиҳат-дан қайта тикланишлари мумкин.

М. БОЛТАЕВ,
Когон туманлараро
иқтисодий суди судьяси